



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 10 » aprel № 148

Toshkent sh.

### **Давлат ветеринария назорати соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида**

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ:

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти, импорти ва транзити учун рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини расмийлаштириш;

маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турлари рўйхатида назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

**а) Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти, импорти ва транзити учун рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти, импорти ва транзити учун рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини (кейинги ўринларда – рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар) беришга доир талаблар ва шартлар;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш бўйича аризани кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиби;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш, шунингдек, дубликатини бериш тартиби;

берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрини юритиш тартиби;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар рўйхати;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг паспорти;

**б) Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бериш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда рухсат беришга доир талаблар ва шартлар;

маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш бўйича аризани кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бериш тартиби;

гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тартиби;

берилган гувоҳномалар реестрини юритиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги ПҚ–4742-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига “Ветеринария даволаш-профилактика фаолияти” фаолият тури киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “10” апрелдаги 148-сон қарорига  
1-илова

**Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти,  
импорти ва транзити учун рухсатномани ҳамда ветеринария  
сертификатини бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг (кейинги ўринларда – назоратдаги товарлар) экспорти, импорти ва транзити учун рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини (кейинги ўринларда – рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари** – ветеринария соҳасидаги талабларни белгиловчи, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар риоя этиши шарт бўлган хужжатлар;

**ветеринария, ветеринария-санитария талаблари** – давлат ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари қўзғатувчиларининг кириб келишидан ва ветеринария-санитария жиҳатдан хавфли саналган назоратдаги товарларнинг келтирилишидан ҳимоялашга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий ҳисобланган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан импорт қилинувчи назоратдаги товарларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

**ветеринария сертификати** – Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария хизмати томонидан барча турдаги назоратдаги товарларга бериладиган ҳайвонларнинг ўта хавфли ва карантин касалликлари бўйича соғлом ҳудудданлигини ҳамда ҳайвонотга мансуб хомашё ва маҳсулотлар ветеринария-санитария экспертизасидан ўтганлигини, ветеринария-санитария талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган, назоратдаги товарларни ишлаб чиқарган мамлакатнинг давлат ветеринария врачлари томонидан белгиланган намунада бериладиган халқаро хужжат;

**импорт қилувчи мамлакат** – охириги манзили белгиланган давлат;

**рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар** – назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга ваколатли орган томонидан бериладиган рухсатнома, шунингдек, назоратдаги товарларни экспорт, импорт қилишда Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасининг чегара ва транспортдаги ветеринария пункт (участка)лари расмийлаштирадиган ветеринария сертификатлари;

**транзит мамлакати** – назоратдаги товарларни импорт қилувчи мамлакатга етказишда ҳудуди орқали ўтиладиган ёки чегара ва транспортдаги ветеринария пункт (участка)лари доирасида вақтинча тўхтаб ўтиладиган давлат;

**чегара ва транспортдаги ветеринария пункти (участкаси)** (кейинги ўринларда – ЧТВП) – назоратдаги товарларни халқаро, давлатлараро, зарурат туғилганда эса – мамлакат ичида барча транспорт турларида ташиш юзасидан чегара ветеринария назоратини амалга оширувчи орган;

**экспорт қилувчи мамлакат** – назоратдаги товарларни бошқа мамлакатга жўнатувчи давлат;

**хайвон** – барча сут эмизувчилар, сув ҳайвонлари ёки паррандалар (кушлар), асаларилар.

3. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар рўйхатига нисбатан қўлланилади.

4. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар ветеринария, ветеринария-санитария талаблари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун масъул ҳисобланади.

5. Назоратдаги товарларни эпизоотик жиҳатдан барқарор бўлган бошқа давлатлардан экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя этилган ҳолда йўл қўйилади.

6. Ушбу Низомга 2-илованинг 1-бандида назарда тутилган назоратдаги товарлар экспорти, импорти ва транзити учун рухсатномалар ваколатли орган томонидан, экспорт ва импорт учун ветеринария сертификатлари Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси томонидан электрон ҳужжатлар шаклида ариза берувчи тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларнинг таҳлил қилинишини таъминловчи автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда берилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ махсус қоғоз бланкаларда расмийлаштириш талаб қилинган ҳолларда қоғоз шаклида берилиши мумкин.

7. Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома мурожаат қилинган календарь йил учун берилади.

8. Назоратдаги товарлар Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида жойлашган чегара ветеринария назорати пунктлари (участкалари) орқали ўтказилади.

9. Назоратдаги товарларни импорт қилишдан олдин юридик ва жисмоний шахслар экспорт ва транзит қилувчи мамлакатлардаги эпизоотик вазият тўғрисида давлат ветеринария хизматидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эга.

## **2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар**

10. Назоратдаги товарларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда уларнинг экспорт-импорти билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, давлат ветеринария хизмати назоратида бўлади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали олиб ўтилаётган назоратдаги товарлар ЧТВПда давлат ветеринария назоратидан ўтказилиши шарт.

12. Бошқа давлатлар ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавфли юкумли касалликлари, ҳайвонларнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ялпи касалликлари ва ҳайвонларнинг илгари қайд этилмаган юкумли касалликлари пайдо бўлган тақдирда, назоратдаги товарларни олиб ўтишга тақиқ ёки чеклов жорий этиш ҳамда уларни олиб ўтишни тиклаш тўғрисидаги қарор ваколатли орган раҳбари томонидан қабул қилинади.

13. Ўзбекистон Республикасига кирувчи ёки ундан чиқиб кетувчи шахсларга тегишли ит, мушук ва бошқа номаҳсулдор ҳайвонлар (2 тадан кўп бўлмаган) ва паррандалар (қушлар) (10 тадан кўп бўлмаган) учун ветеринария сертификати ваколатли орган рухсатсиз Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг ветеринария ҳужжат (хулоса)лари асосида ЧТВПларда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетувчи шахсларга тегишли ит, мушук ва бошқа номаҳсулдор ҳайвонлар ва паррандалар (қушлар) учун ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган миқдордан кўп бўлмаган ҳолда, қабул қилувчи мамлакатнинг талаби асосида ветеринария сертификати расмийлаштирилади.

14. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирувчи ҳайвонот турларини импорт қилиш экспорт қилувчи давлатнинг ваколатли органи томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ берилган рухсатномаси (ҳимоя маркаси) мавжуд бўлганда амалга оширилади.

15. Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирувчи ҳайвон турларини экспорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги томонидан ушбу конвенцияга мувофиқ берилган рухсатнома (ҳимоя маркаси) мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда фойдаланиладиган автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги билан ҳамкорлик қилади.

16. Назоратдаги товарларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда уларнинг экспорт-импорти билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг ветеринария-санитария хулосаларига эга бўлиши талаб қилинади.

Фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган назоратдаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига киритилган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларнинг назоратдаги товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга рухсат берилади.

17. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни импорт ва экспорт қилиш ваколатли орган томонидан бериладиган ветеринария фаолиятининг тегишли йўналишлари бўйича лицензия мавжуд бўлганда ва улар давлат рўйхатига олинган тақдирда амалга оширилади.

18. Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни импорт ва экспорт қилишда уларни ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан бериладиган сифати ва зарарсизлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда, ветеринария сертификати расмийлаштирилади.

19. Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва транзит қилишда давлат ветеринария назоратининг ҳужжатли, жисмоний (товарни кўрган ҳолда) ва лаборатория турлари қўлланилади.

20. Ҳужжатли давлат ветеринария назоратида қуйидагилар текширилади:  
назоратдаги товарларнинг ветеринария жиҳатидан хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

назоратдаги товарларни импорт, экспорт ёки транзит қилишга (тегишлилиги бўйича) ветеринария рухсатномаси ҳамда сертификати ёки сифати ва зарарсизлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

берилган ҳужжатлар мазмунининг ветеринария талабларига мувофиқлиги.

21. Жисмоний давлат ветеринария назорати қуйидагиларни ўз ичига олади:  
назоратдаги товарларни ёки ҳайвонларни кўздан кечириш;

кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган назоратдаги товарлар мавжудлигини ҳамда ўзаро мос келмайдиган товарларнинг биргаликда ташилишини истисно қилиш мақсадида назоратдаги товарларнинг тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш;

транспорт воситасининг назоратдаги товарларни ташишдаги белгиланган ветеринария-санитария талабларига мувофиқлигини назорат қилиш;

кўчириб ўтказиш (ташиш) шартлари ва режимини назорат қилиш;

қадоқлаш ва ёрликларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш;

ҳайвонларни импорт, экспорт, транзит қилишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ўтказиш (ташиш)да, суғориш ва озиклантириш пунктларида уларнинг ҳар бир партияси текширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтиш пунктида ўтказилаётган муайян турдаги назоратдаги товарларнинг очиқ қисмини текширишга йўл қўйилади.

22. Лаборатория давлат ветеринария назорати:  
давлат ветеринария назорати жараёнида;  
ташилаётган назоратдаги товарлардаги ўзгаришлар аниқланган ҳолларда;  
ҳайвонларнинг юқумли касалликларини истисно этиш мақсадида тегишли лабораторияларда текширувлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

23. Давлат ветеринария назорати турларининг натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими томонидан назоратдаги товарларга нисбатан ветеринария ҳужжатларига ёки назоратдаги товарларнинг бошқа ҳужжатларига (сабабларини кўрсатган ҳолда) ўтказиш, ўтказишни тўхтатиб туриш, импортни тақиқлаш ёки қайтариш белгиларидан бири қайд этилади.

24. Назоратдаги товарларга нисбатан қабул қилинган қарор ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими томонидан ветеринария ҳужжатларига ва товарларга илова қилинадиган ҳужжатларга ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги тегишли штамплар қўйиш орқали расмийлаштирилади.

25. Назоратдаги товарлар турлари ва ҳудуднинг эпизоотик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, транспорт воситаси (темир йўл вағони, рефрижератор секцияси, контейнер ва бошқалар) юкларни ортишдан олдин ва туширишдан кейин ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги ҳужжат берилган ҳолда ветеринария-санитария ишловига юборилади.

26. ЧТВП мансабдор шахси ўз ваколатларини амалга оширишда ўтиш пунктларида назорат ўтказиш ваколати берилган бошқа ваколатли органлар мансабдор шахслари, шунингдек, чегарадош давлатлар ўтиш пунктларидаги ветеринария мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

27. ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими ўз хизмат вазифаларини ўташ вақтида ўзлари билан хизмат гувоҳномасини олиб юриши ҳамда белгиланган намунадаги махсус кийимда бўлиши шарт.

28. Назоратдаги товарларни импорт, экспорт ва транзит қилиш, шунингдек, мамлакат ҳудуди доирасида ўтказиш (ташиш) экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органлари ва давлат ветеринария хизматининг ваколатли шахслари томонидан берилган ветеринария сертификатлари илова қилинган ҳолда амалга оширилади.

29. Назоратдаги товарларни халқаро ташиш фаолияти доирасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ўтказиш (ташиш)да ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар. Аниқланган қонун бузилишлари тўғрисида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида давлат ветеринария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс ёки ходимнинг ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

31. Барча турдаги ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш, ветеринария талабларини бажариш, шунингдек, ветеринария ишлови ва лаборатория текширувлари ҳамда халқаро, давлатлараро ва мамлакат ичида белгиланган тартибда ветеринария кузатуви, импортда аудит ҳамда инспекция ўтказилади ва улар билан боғлиқ бошқа турдаги иш ва хизматлар бўйича харажатлар назоратдаги товарларнинг эгаси томонидан қопланади.

Иш ва хизматлар бўйича харажатларнинг тўлов миқдори ва шартлари белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

32. Импорт қилувчи мамлакат талабларига ёки Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ташкилотининг (ХЭБ/ОIE) халқаро кодекслари нормаларига мувофиқ ветеринария сертификатлари шакли ёки тури ваколатли орган томонидан ўзгартирилиши ва тасдиқланиши мумкин.

33. Агар импорт қилувчи мамлакатнинг ветеринария талабларида Ўзбекистон Республикасининг ветеринария тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар ёки талаблар белгиланган бўлса, импорт қилувчи мамлакатнинг ветеринария талаблари қўлланилади.

**3-боб. Назоратдаги товарларни экспорт қилишда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш бўйича аризани кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

34. Назоратдаги товарларни экспорт қилишга рухсатнома ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ схема бўйича олинади.

35. Назоратдаги товарларни экспорт қилишга рухсатномани олиш учун экспорт қилувчи товарлар эгаси автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан ваколатли органга мурожаат қилади.

36. Автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ариза барча маълумотлар тўлиқ кўрсатилганда ваколатли орган томонидан қабул қилинади.

Аризада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, ариза берувчига аризани қайта юбориш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хабар юборилади. Бунда ариза берувчининг рухсатномани бериш ҳақидаги аризасини биринчи марта кўриб чиқиш жараёнида камчиликлар аниқланганда, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига мавжуд камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этишга муддат берилади.

Автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ва маълумотлар тўлиқ кўрсатилган ариза ваколатли орган томонидан икки иш кунида кўриб чиқилади ҳамда ариза берувчига натижаси бўйича дарҳол хабар берилади.

37. Ваколатли орган мурожаатни кўриб чиқади, муайян турдаги назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши учун рухсатнома бериш ёки асосли сабабларни кўрсатган ҳолда уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.



38. Рухсатнома берилган куннинг ўзида автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларига, шунингдек, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига ва унинг ЧТВПларига ва товарлар эгасига юборилади.

Вақтинча олиб чиқиш учун назоратдаги товарларга қайта олиб кириш шартлиги кўрсатилган рухсатнома берилади.

Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, рад этиш хати ваколатли орган томонидан назоратдаги товарлар эгасига бир иш кунда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборилади ҳамда ушбу хат тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, шунингдек, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси кўриши ва юклаб олиши учун автоматлаштирилган ахборот тизимида имконият яратилади.

39. Рухсатнома олган назоратдаги товарларнинг эгаси товарларнинг хорижий давлатлар ҳудудидан транзит бўйича ўтиши масаласини ҳал қилиш учун ваколатли органга автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилган кундан) мурожаат этишга ҳақли.

Агар рухсатнома берилган назоратдаги товар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида кўрсатилган давлатлар ҳудудидан транзит ўтиши лозим бўлса, ваколатли орган, товарнинг эгаси мурожаат қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар, рухсатнома берилган куннинг ўзида тегишли давлатнинг марказий ветеринария органига транзит масаласини ҳал қилишни (рухсатнома беришни) сўраб мурожаат қилади.

Транзит бўйича аризалар транзит давлатларнинг миллий қонунчилиги талабларига, шунингдек, халқаро келишув ва қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Тегишли давлатдан транзит бўйича олинган рухсатнома ваколатли орган томонидан назоратдаги товарлар эгасига тақдим этилади.

Транзит бўйича аризаларни кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

40. Назоратдаги товарларни экспорт қилишда ветеринария сертификати ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ схема бўйича олинади.

41. Назоратдаги товарларни экспорт қилишга ветеринария сертификатини олиш учун экспорт қилувчи товарлар эгаси автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан тегишли ЧТВПларга мурожаат қилади.

42. ЧТВП томонидан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ариза кўриб чиқилади.

Аризада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, аризани қайтадан юбориш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ариза берувчига хабар юборилади. Бунда, ариза берувчининг ветеринария сертификатни бериш ҳақидаги аризасини биринчи марта кўриб чиқиш жараёнида камчиликлар аниқланганда, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф этишга муддат беради.

Аризада маълумотлар тўлиқ кўрсатилган ҳолда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ариза ЧТВП томонидан қабул қилинади.

Ариза етти иш кунида кўриб чиқилади ва ариза берувчига ветеринария сертификати берилади ёки уни бериш рад этилади.

43. ЧТВП аризани автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларига ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини, ҳудуднинг эпизоотик ҳолатини ва ҳайвонлар карантинини ўрганиш, шунингдек, импорт қилувчи мамлакатнинг давлат ветеринария хизмати ветеринария талабларига мувофиқлиги бўйича ветеринария ҳужжатини (хулосасини) олиш учун бир иш кунида юборади.

44. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари ЧТВП томонидан юборилган аризани унда кўрсатилган назоратдаги товарларни экспорт қилиш имкониятини, импорт қилувчи мамлакатнинг давлат ветеринария хизмати талабларини бажариш имкониятини, товарлар тавсифларини ва маъмурий ҳудуддаги эпизоотик вазиятни ҳисобга олган ҳолда назоратдаги товарлар эгаси ёки унинг вакили иштирокида олти иш кунида кўриб чиқади.

Бунда ўта хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида карантин ёки қўшимча лаборатория текширувлари ўтказиш зарурати юзага келганда, белгиланган муддат уч ҳафтагача узайтирилиши мумкин, бу ҳақда ваколатли орган ва тегишлилиги бўйича ЧТВП хабардор қилинади ва шу куни ариза берувчига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилган кундан) маълум қилинади.

45. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштиради, лаборатория текширувлари ва ўрганишлар натижалари бўйича тузилган ҳужжатларни (хулосаларни) тасдиқлайди ва автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) тегишли ЧТВПга юборади.

46. Назоратдаги товарларни ортишдан олдин транспорт воситаси ветеринария-санитария ишловидан ўтказилган бўлиши лозим.

47. ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими тақдим этилган ветеринария хужжатларини (хулосаларини) ва импорт қилувчи мамлакатнинг давлат ветеринария хизмати ветеринария талабларини таҳлил қилган ҳолда, ветеринария сертификатини бериш ёки асосли сабабларни кўрсатган ҳолда уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ветеринария сертификатини бериш рад этилган тақдирда, назоратдаги товарлар эгаларига бир иш куни ичида бу ҳақда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хабар юборилади.

48. Ветеринария сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими ветеринария сертификатини 4 соат ичида расмийлаштириб беради.

Бунда ветеринария сертификати тегишлича ушбу Низомга 9, 10, 11, 12 ва 13-иловаларга мувофиқ шаклда ёки импорт қилувчи мамлакатнинг ветеринария талабларига мувофиқ келишилган шаклда ваколатли органнинг рухсатнома рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

49. Назоратдаги товарлар эгасининг аризасига кўра товарларни ўтказиш йўналишидаги хорижий мамлакатларнинг чегара ветеринария пунктлари сонига мувофиқ равишда сертификатнинг дубликатлари расмийлаштирилади.

50. Назоратдаги товарларга берилган ветеринария сертификати охириги манзилга етиб боргунга қадар амал қилади ва назоратдаги товарлар эгаси импорт қилувчига уларнинг етказилишини ўз вақтида таъминлаши лозим.

51. Ўтказиш пунктидаги ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими назоратдаги товарларнинг хужжатли назорат таҳлили натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишда тегишли товарларнинг кузатув хужжати ва ветеринария сертификатига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда “Чиқишга рухсат” ёки “Чиқиш тақиқланади” штампини кўяди ҳамда ўз исми ва фамилиясини қайд этади.

Агар назоратдаги товарларни экспорт қилишда транзит МДХ мамлакатлари орқали амалга оширилса, ушбу мамлакат марказий давлат ветеринария хизматининг транзит рухсатномаси олингандан сўнг товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариш мақсадга мувофиқ.

52. Импорт қилувчи мамлакат талабларига асосан назоратдаги товарлар рўйхатида кўзда тутилмаган товарларга ветеринария сертификатларини расмийлаштириш зарур бўлганда, назоратдаги товарлар эгаси қоғоз шаклида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ариза билан тегишли ЧТВПга мурожаат қилади.

Ветеринария сертификатлари импорт қилувчи мамлакатнинг ветеринария қоидалари ва нормалари бажарилган ҳолда, ЧТВП томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари хужжатлари (хулосалари) асосида, ваколатли орган рухсатисиз ушбу Низомнинг 42, 43, 47, 48, 49, 50 ва 51-бандларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

53. Назоратдаги товарларни экспорт қилиш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

мамлакатда ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича эпизоотик ҳолат юзага келиши;

экспорт қилинаётган назоратдаги товарларнинг сақланиши, ишлаб чиқарилиши (қайта ишланиши) бўйича импорт қилувчи мамлакатнинг белгиланган ветеринария қоидалари ва нормаларига экспорт қилувчи корхонанинг ҳолати ёки назоратдаги товарлари мувофиқ эмаслиги;

экспорт қилувчининг аризасида зарур маълумотларнинг йўқлиги ёхуд экспорт қилувчи аризасига зарур иловаларнинг мавжуд эмаслиги;

экспорт қилувчи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;

экспорт қилинадиган назоратдаги товарлар ҳажмининг қайд этилган корхоналарда ишлаб чиқариш қувватига номувофиқлиги;

мамлакатга ёки экспорт қилувчига нисбатан импорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи томонидан тақиқ (чеклов) ўрнатилганлиги;

миллий қонунчиликка мувофиқ ветеринария-санитария хулосалари мавжуд эмаслиги;

назоратдаги товарларни экспорт қилувчи корхона импорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи реестрига киритилмаганлиги ёки импорт қилувчи корхона рухсатномасининг мавжуд эмаслиги (заруратга кўра);

ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни экспорт қилишда ветеринария дори воситасининг савдодаги номи (савдо маркаси), препарат шакли, қадоғи, ишлаб чиқарилган ветеринария дори воситаси ва озуқабоп қўшимча ваколатли орган томонидан рўйхатга олинмаганлиги;

ушбу Низомнинг 2-бобида белгиланган рухсат беришга доир бошқа талаблар ва шартлар бажарилмаганлиги.

Ваколатли орган ёки ЧТВПлар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тегишлича “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28 ва 29-моддалари ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда рад этилади.

54. Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олган назоратдаги товарлар эгаси зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

назоратдаги товарларни экспорт қилишда Ўзбекистон Республикасининг ветеринария қонунчилиги ва импорт қилувчи мамлакатнинг ветеринария, ветеринария-санитари талабларига риоя этиш;

экспорт қилиниши режалаштирилаётган назоратдаги товарлар тўғрисида тегишли туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимини хабардор қилиш;

импорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи томонидан назоратдаги товарларга нисбатан белгиланган импорт мақсади бўйича экспортни амалга ошириш;

ушбу Низомнинг тегишли талаб ва шартларини бажариш;

Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария хизмати мансабдор шахсларининг ушбу бандда белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш.

**4-боб. Назоратдаги товарларни импорт қилишда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш бўйича аризани кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

55. Назоратдаги товарларни импорт қилишда рухсатнома ушбу Низомга 14-иловага мувофиқ схема бўйича олинади.

56. Назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишга рухсатномани олиш учун импорт қилувчи товарлар эгаси автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан ваколатли органга мурожаат қилади.

57. Фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган назоратдаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига киритилган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларнинг назоратдаги товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга рухсат берилади.

Рухсатномани бериш рад этилган ёки товар эгаси берилган аризасидан воз кечган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

58. Автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ариза ундаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилганда ваколатли орган томонидан кўриб чиқилади.

Аризада маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, ариза берувчига аризани қайта юбориш тўғрисида автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хабар юборилади. Бунда ариза берувчининг рухсатномани бериш ҳақидаги аризасини биринчи марта кўриб чиқиш жараёнида камчиликлар аниқланганда, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига мавжуд камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этишга муддат берилади.

Автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ва маълумотлар тўлиқ кўрсатилган ариза ваколатли орган томонидан қабул қилинади ҳамда ўн саккиз иш кунда кўриб чиқилади.

Назоратдаги товарнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, ваколатли орган аризани автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларига бир иш кунда юборади.

59. Ушбу Низомнинг 60-бандида белгиланган муддатда ваколатли орган томонидан импорт қилинадиган товарнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчи мамлакатнинг эпизоотик ҳолати ва бошқа таҳлилий маълумотлар Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ташкилотининг (ХЭБ/ОIE) ва (ёки) экспорт қилувчи мамлакат марказий давлат ветеринария хизматининг расмий веб-сайтлари орқали ўрганилади, ушбу маълумотлар ҳам рухсатнома бериш ёки уни рад этишга асос бўлади.

60. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари ваколатли орган томонидан юборилган аризада кўрсатилган импорт қилинадиган назоратдаги товарларни сақлаш шартлари, улардан фойдаланиш (эркин сотувга қўйиш, лабораторияда ва бошқа текширишлар, қайта ишлаш ва бошқалар) ҳамда тегишли ҳудуднинг эпизоотик ҳолатини ва карантин тадбирларини ўтказиш шароитини назоратдаги товар эгаси ёки унинг вакили иштирокида беш иш кунида ўрганиб чиқади.

61. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари аризани кўриб чиқиш натижасида ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шаклдаги далолатномани расмийлаштиради, ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича тузилган ҳужжатларни (хулосаларни) тасдиқлайди ва бир иш кунида ваколатли органга автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) тақдим этади.

Ўта хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида карантин ёки қўшимча лаборатория текширувлари ўтказиш зарур бўлганда, белгиланган муддат уч ҳафтагача узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ваколатли орган хабардор қилинади.

62. Ушбу Низомнинг 59 ва 61-бандларига асосан тақдим этилган маълумотлар ва ветеринария ҳужжатлари (хулосалар) ваколатли орган томонидан беш иш кунида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасига назоратдаги товарларнинг олиб кирилиши учун ваколатли орган уч иш кунида рухсатнома беради ёки асосли сабабларни кўрсатган ҳолда уни рад этади.

63. Ваколатли орган томонидан назоратдаги товарларни импорт қилишга рухсатнома ёки уни рад этиш автоматлаштирилган ахборот тизими орқали расмийлаштирилади.

64. Ўзбекистон Республикасига тирик ҳайвонларни импорт қилишда экспорт қилувчи мамлакатдаги эпизоотик вазиятини инобатга олиб, келтириладиган ҳайвонларга карантин тадбирларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария врачининг экспорт қилувчи мамлакатга хизмат сафари учун зарур вақт ҳисобга олиниши керак.

65. Берилган рухсатнома ваколатли орган томонидан ушбу Низомнинг 62-банди иккинчи хатбошисида белгиланган муддатда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларига, шунингдек, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига ва унинг ЧТВПларига, назоратдаги товарларнинг эгасига юборилади.

Вақтинча олиб кириш учун назоратдаги товарларга олиб чиқилиши кўрсатилган рухсатнома берилади.

Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, рад этиш хати ваколатли орган томонидан назоратдаги товарлар эгасига бир иш кунида автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборилади ҳамда ушбу хат тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, шунингдек, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси кўриши ва юклаб олиши учун автоматлаштирилган ахборот тизимида имконият яратилади.

66. Рухсатнома олган назоратдаги товарларнинг эгаси товарларнинг хорижий давлатлар ҳудудидан транзит бўйича ўтиши масаласини ҳал қилиш учун ваколатли органга автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мурожаат этишга ҳақли.

Агар рухсатнома берилган назоратдаги товар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўрсатилган давлатлар ҳудудидан транзит ўтишида алоҳида нормалар белгиланган бўлса, ваколатли орган товарларнинг эгаси мурожаат қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар, рухсатнома берилгандан кундан бошлаб уч иш кунида тегишли давлатнинг марказий ветеринария органига транзит масаласини ҳал қилишни (рухсатнома беришни) сўраб мурожаат қилади.

Транзит бўйича аризалар транзит давлатларнинг миллий қонунчилиги талабларига, шунингдек, халқаро келишув ва қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Тегишли давлатдан транзит бўйича олинган рухсатнома ваколатли орган томонидан икки иш кунида тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларига, шунингдек, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига ва назоратдаги товарлар эгасига тақдим этилади.

67. Экспорт қилувчи мамлакатда ҳайвонлар орасида хавfli юқумли касалликлар пайдо бўлган тақдирда, ваколатли орган “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ рухсатнома амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек, ушбу товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига зарур текширувларнинг натижаларига асосан тегишли

назоратдаги товарларнинг киритилишига рухсат бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилиш ваколатли орган томонидан берилган импорт рухсатномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг чегара-текширув пунктлари орқали амалга оширилади.

Чегара-текширув пунктларида назоратдаги товарларни ветеринария назоратидан ўтказиш жўнатувчи давлатнинг ветеринария сертификати ва бошқа кузатув ҳужжатлари тақдим этилгандан кейин амалга оширилади.

Ўтказиш пунктидаги ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими ҳужжатли назорат таҳлили натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда товарларни жўнатувчи давлат томонидан берилган кузатув ҳужжати ва ветеринария сертификатига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ “Киришга рухсат” ёки “Кириш тақиқланади” штампини қўяди ҳамда ўз исми ва фамилиясини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига киришда ЧТВП томонидан автотранспорт воситаларига ветеринария-санитария жиҳатидан ишлов берилади.

68. Назоратдаги товарларга ветеринария сертификати ушбу Низомга 15-иловага мувофиқ схема бўйича олинади.

69. Назоратдаги товарлар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилгандан кейин ветеринария сертификатини олиш учун импорт қилувчи товарлар эгаси автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан тегишли ЧТВПларга мурожаат қилади.

70. ЧТВП томонидан автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ариза кўриб чиқилади.

Аризада зарур маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, аризани қайтадан юбориш бўйича ариза берувчига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хабар юборилади.

Зарур маълумотлар тўлиқ кўрсатилган ҳолда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тушган ариза ва унга илова сифатида бириктирилган ҳужжатлар ЧТВП томонидан қабул қилинади.

Ариза тўрт иш кунида кўриб чиқилади ва ариза берувчига ветеринария сертификати берилади ёки уни бериш рад этилади.

71. Олиб кирилган назоратдаги товарларнинг кўриги хавфлилик даражаларидан келиб чиқиб, хавфни таҳлил қилиш натижаларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

72. ЧТВП аризани автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларига ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини ўрганиш ва ҳайвонларни карантинга қабул қилишда иштирок этиш учун бир иш кунида юборади.



Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари томонидан икки иш кунда назоратдаги товарлар эгаси ва ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими иштирокида назоратдаги товар келтирилган жойда ўрганилади ва ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари аризани кўриб чиқиш натижасига кўра ветеринария ҳужжатларини (хулосаларини) тасдиқлайди ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) ЧТВПга юборади.

Ўта хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида карантин ёки қўшимча лаборатория текширувлари ўтказиш зарур бўлганда, белгиланган муддат уч ҳафтагача узайтирилиши мумкин.

73. ЧТВП назоратдаги товарлар туширилгандан кейин транспорт воситасини ветеринария-санитария ишловидан ўтказишга юборади.

74. ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари раҳбари томонидан тақдим этилган ветеринария ҳужжатларини (хулосаларини) таҳлил қилган ҳолда, ветеринария сертификатини бериш ёки асосли сабабларни кўрсатган ҳолда уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ветеринария сертификатини бериш рад этилган тақдирда, бир иш кунда бу ҳақда назоратдаги товарлар эгасига автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хабар юборилади.

75. Ветеринария сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими экспорт қилувчи мамлакатнинг ветеринария сертификати ўрнига ёки келиб чиқиши ёхуд сифат сертификатига асосан электрон шаклда ветеринария сертификатини 4 соат ичида расмийлаштириб беради.

Бунда ветеринария сертификати тегишлича ушбу Низомга 16, 17, 18, 19 ва 20-иловаларга мувофиқ шаклда ваколатли органнинг рухсатнома рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

Назоратдаги товарлар қайтарилган тақдирда, давлат чегарасидаги ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими ушбу Низомга 21 ва 22-иловаларга мувофиқ шаклда назоратдаги товарларни қайтариш тўғрисидаги далолатнома ва декларацияни расмийлаштиради.

Агар экспорт қилувчи мамлакатнинг ветеринария хизмати томонидан ушбу Низомда белгиланган ветеринария сертификатлари расмийлаштирилган бўлса, ЧТВП мансабдор шахси ёки ходими томонидан ветеринария сертификатлари қайта расмийлаштирилмаган ҳолда экспорт қилувчи

мамлакат томонидан расмийлаштирилган ветеринария сертификатининг асл нусхасига “Киришга рухсат” ёки “Кириш тақиқланади” штамп қўйилади ҳамда ушбу ходимнинг исми ва фамилияси қайд этилиши мумкин.

76. Назоратдаги товарларни импорт қилиш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш қўйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

экспорт қилувчи мамлакатда ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича эпизоотик ҳолат юзага келиши;

экспорт қилувчи мамлакатнинг назоратдаги товарларида белгиланган тартибда тақиқланган кимёвий ёки биологик моддалар мавжудлиги аниқланиши;

импорт қилувчининг аризасида зарур маълумотларнинг йўқлиги ёхуд импорт қилувчи аризасига зарур иловаларнинг мавжуд эмаслиги;

импорт қилувчи томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги;

импорт қилувчи томонидан тақдим этилаётган назоратдаги товарларнинг сақланиши, ишлаб чиқарилиши, қайта ишланиши бўйича ташкилотларнинг ветеринария-санитария ҳолати ветеринария қоидалари ва нормаларига мувофиқ эмаслиги;

импорт қилинадиган назоратдаги товарлар ҳажмининг қайд этилган корхоналар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш қувватига номувофиқлиги;

маҳсулот етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчи давлатларга нисбатан тақиқ (чеклов) ўрнатилганлиги;

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим тўлови амалга оширилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган назоратдаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар киритилмаганлиги;

ушбу Низомнинг 2-бобида белгиланган рухсат беришга доир бошқа талаблар ва шартлар бажарилмаганлиги.

Ваколатли орган ёки ЧТВПлар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тегишлилиги бўйича “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28 ва 29-моддалари ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда рад этилади.

77. Назоратдаги товарлар эгаси зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юкланади:

назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда ветеринария қонунчилиги талабларига риоя этиш;

назоратдаги товарлар импорт қилиниши режалаштирилаётган тегишли туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимини хабардор қилиш;

келтирилган назоратдаги товарларни фақат тегишли ветеринария-санитария хулосасига эга бўлган корхоналарда сақлаш (қайта ишлаш);

келтирилган назоратдаги товарлардан фақат рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда кўрсатилган шартларга мувофиқ фойдаланиш;

ушбу Низомнинг тегишли талаб ва шартларини бажариш;

Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария хизмати мансабдор шахсларининг ушбу бандда белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш.

**5-боб. Назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси  
худуди орқали транзитига рухсатномани олиш бўйича аризани  
кўриб чиқиш, рухсатномани бериш ёки уни беришни рад этиш  
тўғрисида қарор қабул қилиш**

78. Назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзитига рухсатнома ушбу Низомга 23-иловага мувофиқ схема бўйича олинади.

79. Халқаро ташиш билан шуғулланувчи шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида назоратдаги товарларни транзит қилиш учун импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатнинг марказий ветеринария органлари автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) ёки қоғоз шаклида ваколатли органга транзит учун рухсатнома бериш бўйича мурожаат қилади.

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар (МДХ давлатлари вакилларидан ташқари) автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) ваколатли органга транзит учун рухсатнома бериш бўйича мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаатда жўнатувчи ва олувчининг номи, маршрут йўналиши, транспорт тури, назоратдаги товарлар номи, товарларнинг келиб чиқиши ва миқдори кўрсатилади. Ушбу мурожаат асосида ваколатли орган ўттиз кун муддатда транзит рухсатномасини расмийлаштиради ҳамда уни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) ёки қоғоз шаклида импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатнинг марказий ветеринария органларига, шунингдек, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига ва унинг ЧТВПларига, назоратдаги товарлар эгасига беради.

80. Назоратдаги товарларни Ўзбекистон Республикаси худудлари орқали транзит қилиш ваколатли орган томонидан берилган транзит рухсатномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойидаги ЧТВП орқали амалга оширилади.

Назоратдаги товарларнинг транзити ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширилиши учун рухсатнома олиш назоратдаги товарлар эгаси зиммасига юкланади.

81. Ўтказиш пунктларида назоратдаги товарларни ветеринария назоратидан ўтказиш ветеринария сертификати ва бошқа ветеринария кузатув ҳужжатлари тақдим этилгандан кейин амалга оширилади.

82. Ҳужжатли назорат ишлари якунига етгач, юкумли касалликлар мавжудлигига шубҳа пайдо бўлганда, ҳайвонлар ветеринария текширувидан ўтказилади, бунда ҳайвонларнинг идентификация рақамлари (татуировка, чиплар, белги, тамға ва бошқалар) ветеринария сертификатларида кўрсатилган рақамлар билан солиштирилади, ташиш шартлари, ҳайвонларнинг ҳолати ва уларни кейинчалик ўтказиш имкониятлари текширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали бошқа назоратдаги товарлар транзитида текширишлар ўтказилмайди.

Назоратдаги товарларни транзит вақтида текшириш (ҳайвонлар бундан мустасно) фақат давлат назорати органлари қарорига биноан ўтказиш пунктларида ёки назоратдаги товарларнинг аризадагига мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда амалга оширилади.

83. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига киришда ЧТВП томонидан автотранспорт воситаларига ветеринария-санитария жиҳатидан ишлов берилади.

84. Ўтказилган назорат натижаларига кўра ЧТВП мансабдор шахси қарор қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда ветеринария сертификати ва кузатув ҳужжатларига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги “Транзитга рухсат” ёки “Транзит тақиқланади” штампларини кўяди, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқаришда эса “Транзит якунланди” штампини кўяди ва муҳрлайди ҳамда ўзининг исми-фамилиясини кўрсатган ҳолда имзоси билан тасдиқлайди.

85. Барча зарур маълумотлар транзитни ҳисобга олиш дафтарида қайд этилади ва электрон ҳисоб тизимига киритилади (жорий этилишига кўра).

86. Назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатномани олиш бўйича мурожаатни кўриб чиқиш ва рухсатномани бериш қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

муурожаатда ушбу Низомнинг 79-бандида белгиланган маълумотларнинг кўрсатилмаганлиги;

назоратдаги товарлар экспорт қилувчи ёки транзит ўтувчи мамлакатлардаги эпизоотик вазият мураккаблашган ҳолат халқаро шартномаларга мувофиқ мамлакатга салбий таъсир этиши белгиланганлиги;

транзит қилиш халқаро шартномаларнинг бошқа талабларига зид бўлиши.

Ваколатли орган томонидан назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатнома бериш “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28 ва 29-моддаларига мувофиқ ёки халқаро шартномалар талабларига риоя этган ҳолда рад этилади.

87. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш учун рухсатнома олган назоратдаги товарлар эгаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига киришда автотранспорт воситаларини ветеринария-санитария ишловидан ўтказиши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига кирган автотранспорт воситалари билан Давлат чегарасидан чиқилишини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси ветеринария қонунчилиги талабларига риоя этиши лозим.

**6-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига назоратдаги товарларнинг жисмоний шахсларнинг қўл ва багаж юклари, шунингдек, почта жўнатмалари орқали олиб киришда давлат ветеринария назоратини амалга ошириш тартиби**

88. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидаги ЧТВП, шу жумладан, халқаро почта алмашинув жойларида товарларни қўл ва багаж юки, почта жўнатмалари орқали жисмоний шахсларнинг шахсий фойдаланиши мақсадида тегишли рухсатномасиз назоратдаги товарни жўнатувчи мамлакатнинг ветеринария сертификатисиз киритилишига йўл қўймаслик бўйича ишларни ташкил этади, битта жисмоний шахс учун 5 килограммгача бўлган, завод ўрамларидаги, ҳайвонотга мансуб маҳсулот бундан мустасно.

Жўнатилган мамлакатга қайтариб юбориш имкони бўлмаган назоратдаги товарлар белгиланган тартибда йўқ қилинади (зарарсизлантирилади).

**7-боб. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар дубликатини бериш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уларни бекор қилиш**

89. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, ариза берувчининг аризасига асосан уларнинг дубликати берилади.

90. Давлат ветеринария хизмати ариза берувчидан ариза қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар дубликатини, шунингдек, яроқсиз ҳолга келган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг асл нусхасини беради (юборади).

Дубликат берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

91. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, уларни бекор қилиш “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32, 33 ва 34-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

92. Назоратдаги товарларни ташиш натижасида инсон ҳамда ҳайвонлар соғлиғига зарар етказиш ёхуд зарар етказилишининг аниқ хавфи юзага келиши рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш учун асос бўладиган рухсат бериш талаблари ва шартларини бир маротаба кўпол равишда бузилишига киради.

## **8-боб. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш**

93. Ариза берувчи-юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, ариза берувчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин беш иш куни ичида давлат ветеринария хизматига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтгандан кейин беш иш куни ичида ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Янги ташкил этилган юзага келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга эга бўлган ариза берувчи юридик шахслар қўшиб юборилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлардаги мавжуд маълумотлар ушбу банднинг биринчи-учинчи хатбошиларида назарда тутилмаган ҳолларда ўзгартирилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ариза берувчининг тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризаси бўйича қайта расмийлаштирилади.

94. Ҳужжатлар ариза берувчи томонидан давлат ветеринария хизматига бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ушбу Низомнинг 35, 41, 56, 69 ва 79-бандларида назарда тутилган тартибда берилади.

95. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар қайта расмийлаштирилганда, давлат ветеринария хизмати берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

96. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш ва бериш давлат ветеринария хизмати томонидан ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уч иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

97. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 93-бандида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

98. Агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда уни олган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг жойлашган жойига нисбатан рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари белгиланган бўлса, ушбу шахснинг фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарганда, унинг аризаси асосида ваколатли орган томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга ўзгартириш киритилиши мумкин.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга ўзгартиш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш учун белгиланган тартибда киритилади.

99. Импорт қилишга рухсатномани қайта расмийлаштиришда ёки ўзгартиришда, импорт қилишга рухсатномани берганлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

### **9-боб. Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги давлат назорати**

100. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритилган жисмоний ва юридик шахсларнинг рухсат беришга оид талаб ва шартларга риоя этиши ваколатли орган (ёки тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, шунингдек, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси) томонидан назорат қилинади.

101. Рухсат беришга оид талаблар ва шартларга риоя этилиши бўйича назорат амалга оширилаётганда, ваколатли орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жисмоний ва юридик шахслар рухсат беришга оид талаб ва шартларга риоя этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда текшириш;

рухсат беришга оид талаблар ва шартларга риоя этилиши бўйича текширувлар ўтказилаётганда, юзага келадиган масалалар тўғрисида жисмоний ва юридик шахслардан зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

текширув натижалари асосида жисмоний ва юридик шахслар йўл қўйган рухсат беришга оид талаб ва шартларнинг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

жисмоний ва юридик шахс зиммасига аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, шунингдек, судга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки унинг амал қилишини бекор қилиш ташаббуси билан мурожаат қилиш;

рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича юридик шахсларга жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уни мажбурий ундириш бўйича судга даъво аризаси киритиш.

102. Назорат қилиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

автоматлаштирилган ахборот тизими орқали масофавий назорат;

рухсат беришга оид талаб ва шартларга риоя этилишини асослар мавжуд бўлган тақдирда ва қонунчиликда белгиланган тартибда жойга чиққан ҳолда текшириш;

статистика ахборотларини ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар эгаларидан сўраб олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

103. Ваколатли орган масофавий назоратни автоматлаштирилган ахборот тизими имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ходимлари тўғрисидаги, рухсат беришга оид талаб ва шартларга риоя қилинганлиги тўғрисида тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, ваколатли бошқа органлар ва идоралардан олинган ахборотлар асосида амалга оширади.

Масофавий назоратни амалга оширишда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритилган жисмоний ва юридик шахсларнинг рухсат беришга оид талаб ва шартларни бузиш ҳолатлари тўғрисида автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик равишда келадиган хабарлар ваколатли органнинг шахсий кабинетига келиб тушади. Ушбу хабар орқали ваколатли орган жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини таҳлил қилади ва ўрганади. Заруратга кўра, ваколатли орган рухсат беришга оид талаб ва шартларнинг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича кўрсатма бериши шарт.

Жисмоний ва юридик шахслар масофавий назорат асосида ваколатли орган томонидан берилган кўрсатмада баён этилган талабларни ўн иш куни ичида бажариши ва бу ҳақда ваколатли органга хабар бериши лозим.

Кўрсатма жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз вақтида ижро этилмаганда ёки бажарилиши таъминланмаганда, ваколатли орган “хавфни таҳлил қилиш” тизими асосида уларнинг фаолиятини текшириши мумкин.

104. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритилган жисмоний ва юридик шахслар фаолияти қуйидагилар асосида жойга чиққан ҳолда текширилади:

“хавфни таҳлил қилиш” тизими;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари;

автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборилган рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчилик бузилишига оид ҳолатлар тўғрисида жисмоний шахсларнинг маълумотлари.



105. Жойига чиққан ҳолда ўтказиладиган текширишлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

106. Рухсат беришга оид талаб ва шартларга риоя этилишини жойига чиққан ҳолда текшириш ўн кунгача бўлган муддатда ўтказилиши лозим.

Ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда ўтказиладиган текширишдан бош тортиш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўладиган ҳаракат ҳисобланади.

107. Тегишли фаолият билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларсиз шуғулланиш ҳолатлари билан боғлиқ қонун бузилишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида аниқланган тақдирда, уларни рағбатлантириш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**10-боб. Ваколатли орган ва ЧТВП ҳамда уларнинг мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ва уни кўриб чиқиш тартиби**

108. Ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг эгаси ваколатли органнинг:

қарорлари ва ҳужжатлари;

мансабдор шахслари ёки ходимлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича шикоят қилиши мумкин.

109. Ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг эгаси шикоятни ваколатли орган ёки ЧТВП ҳамда уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимларига нисбатан Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашига (кейинги ўринларда – Апелляция кенгаши) тақдим этади.

Ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг эгаси белгиланган тартибда ваколатли орган ёки ЧТВП ҳамда уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шикоят бошқа ваколатли органларга ҳам берилиши мумкин.

110. Апелляция кенгашининг таркиби Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорларни республика даражасида қабул қиладиган ваколатли органларнинг шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгашининг намунавий таркибига мувофиқ ваколатли органнинг раҳбари томонидан беш нафар таркибда тасдиқланади. Апелляция кенгаши йиғилишига Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакили кузатувчи сифатида жалб қилинади.

Апелляция кенгашининг йиғилиши унинг аъзоларининг тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

111. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шикоят қарор (бошқа ҳужжат) тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган пайтдан ёки ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг эгасига ваколатли орган ёки ЧТВПнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддати, агар у узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган бўлса, шикоятни кўриб чиқувчи ваколатли орган томонидан тикланиши мумкин.

112. Шикоят ёзма, оғзаки (шахсий қабул ёки ишонч телефони орқали) ёки электрон шаклда (автоматлаштирилган ахборот тизимдаги шахсий кабинет, электрон почта ёки ваколатли органнинг расмий веб-сайти орқали) берилди ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни амалга оширган ваколатли орган ёки ЧТВПнинг номи;

шикоят берган жисмоний шахснинг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса унинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили), СТИР;

шикоят берган шахснинг талаблари;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);

шикоят берилган сана.

Шикоят ёзма шаклда берилганда, шикоят қилувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

113. Жисмоний шахс оғзаки шикоят (шахсий қабул орқали) қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятларда ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар эгасининг электрон манзили ва ягона идентификатори (ЖШ ШИР/СТИР) ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилиши керак.

Шикоятда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар эгасининг шикоятини кўриб чиқиш натижаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда қабул қилишга бўлган розилигидир.

114. Шикоятни олган Апелляция кенгаши шикоят берилётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги) тўғрисидаги тегишли ахборотни шикоят олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида ўрганиш учун сўраб олиши лозим.

Апелляция кенгашининг шикоят бўйича йиғилиши материаллари ваколатли органнинг юридик хизмати томонидан тайёрланади.

115. Ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар эгасининг талабига кўра шикоят унинг иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

Бунда Апелляция кенгаши ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар эгасининг истагига кўра муҳокамани видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказишни таъминлаши шарт.

Видеоконференцалоқа режимида шикоятни кўриб чиқиш учун техник ва бошқа шароитларни таъминлаш ваколатли органнинг марказий аппарати ёки тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларига юкланади.

116. Шикоятни кўриб чиқиш якуни бўйича баённома тузилиши ва ушбу баённома Апелляция кенгашининг раҳбари томонидан имзоланиши керак.

Апелляция кенгаши шикоят бўйича ўн беш кун ичида қарор қабул қилиши шарт.

117. Шикоят берган ариза берувчи/рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар эгаси шикоят бўйича қарор қабул қилинганга қадар уни чақириб олишга ҳақли. Шикоятни чақириб олиш ёзма (шикоятни йиғилишда кўриб чиқиш жараёнида) ёки электрон шаклда (автоматлаштирилган ахборот тизим орқали) расмийлаштирилади.

118. Апелляция кенгаши шикоят бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

шикоят қилинаётган қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

шикоят қилинаётган қарорга ўзгаришлар киритиш;

қарорни бекор қилиш ва зарур бўлган тақдирда, янги қарор қабул қилиш;

Ваколатли орган ёки ЧТВП ҳамда уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимларига берилган шикоят моҳияти бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш.

119. Шикоят Апелляция кенгаши томонидан кўрилаётганда, юзага келадиган масалалар унинг аъзолари томонидан бир овоздан ҳал қилинади. Ҳеч бир аъзо овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакили овоз бериш жараёнида иштирок этмайди ва унинг фикри Апелляция кенгаши аъзолари учун тавсиявий тусга эга бўлади.

120. Ваколатли орган ёки ЧТВПнинг қарори юзасидан шикоят қилинган тақдирда, шикоят Апелляция кенгашида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан қарорнинг амал қилиши ва ижро этилиши тўхтатиб турилади, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно.

### **11-боб. Берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестри**

121. Берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) ариза берувчининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, ЖШ ШИР/СТИР, жойлашган ер (почта манзили);

б) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг рўйхатдан ўтказиш рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

в) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тугатиш ва амал қилишини тиклаш, дубликатлар бериш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

Реестр ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

122. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади.

### **12-боб. Яқунловчи қоидалар**

123. Давлат ветеринария назорати органлари фаолиятига аралашиб, давлат ветеринария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар ёки ходимларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида уларга ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

124. Ушбу Низомни қўллаш бўйича юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

125. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

126. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатли орган ва ЧТВП фаолиятини, шу жумладан, автоматлаштирилган ахборот тизими орқали доимий мониторинг қилиб боради.

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги  
товарлар экспорти, импорти ва транзити учун  
рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария хизмати назорати  
остидаги товарлар рўйхати\***

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
	<b>I тоифа (юқори даражали хавф)</b>	
	<b>01-ГУРУҲ: ТИРИК ҲАЙВОНЛАР:</b>	
	<b>Тирик отлар, эшаклар, хачир ва хўтик:</b>	<b>0101</b>
	– отлар:	0101 21
1.	-- тоза зотли насли ҳайвонлар	0101 21 000 0
	-- бошқалар:	0101 29
2.	---- сўйиладиган	0101 29 100 0
3.	---- бошқалар	0101 29 900 0
4.	– эшаклар	0101 30 000 0
5.	– бошқалар	0101 90 000 0
	<b>Тирик йирик шохли қорамол:</b>	<b>0102</b>
	– хонаки йирик шохли қорамол:	
	-- тоза зотли насли ҳайвонлар:	0102 21
6.	---- ғунажин (биринчи қорингача бўлган урғочилар)	0102 21 100 0
7.	---- сигирлар	0102 21 300 0
8.	---- бошқалар	0102 21 900 0
	-- бошқалар:	0102 29
9.	---- <i>Vibos ёки Pоerphagus зотлари бўйича</i>	0102 29 050 0
	---- бошқалар:	
10.	----- оғирлиги 80 кг дан юқори бўлмаган	0102 29 100 0
	----- оғирлиги 80 кг дан юқори бўлган, бироқ 160 кг дан юқори бўлмаган:	
11.	----- сўйиладиган	0102 29 210 0
12.	----- бошқалар	0102 29 290 0
	----- оғирлиги 160 кг дан юқори бўлган, бироқ 300 кг дан юқори бўлмаган:	
13.	----- сўйиладиган	0102 29 410 0
14.	----- бошқалар	0102 29 490 0
	----- оғирлиги 300 кг дан юқори бўлган:	
	----- ғунажин (биринчи қорингача бўлган урғочилар):	
15.	----- сўйиладиган	0102 29 510 0
16.	----- бошқалар	0102 29 590 0
	----- сигирлар:	
17.	----- сўйиладиган	0102 29 610 0
18.	----- бошқалар	0102 29 690 0
	----- бошқалар:	
19.	----- сўйиладиган	0102 29 910 0
20.	----- бошқалар	0102 29 990 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
	– буйволлар:	
21.	-- тоза зотли насли ҳайвонлар	0102 31 000 0
	-- бошқалар:	0102 39
22.	---- хонаки тури	0102 39 100 0
23.	---- бошқалар	0102 39 900 0
	-- бошқалар:	0102 90
24.	-- тоза зотли насли ҳайвонлар	0102 90 200 0
	-- бошқалар:	
25.	---- хонаки тури	0102 90 910 0
26.	---- бошқалар	0102 90 990 0
	<b>Тирик чўчқалар:</b>	<b>0103</b>
27.	– тоза зотли насли ҳайвонлар	0103 10 000 0
	– бошқалар:	
	-- оғирлиги 50 кг дан камроқ:	0103 91
28.	---- хонаки тури	0103 91 100 0
29.	---- бошқалар	0103 91 900 0
	-- оғирлиги 50 кг ёки юқори бўлган:	0103 92
	---- хонаки тури:	
30.	----- биринчи қорин ёки 160 кг дан кам бўлмаган она чўчка	0103 92 110 0
31.	----- бошқалар	0103 92 190 0
32.	---- бошқалар	0103 92 900 0
	<b>Тирик қўй ва эчкилар:</b>	<b>0104</b>
	– қўйлар:	0104 10
33.	-- тоза зотли насли ҳайвонлар	0104 10 100 0
	-- бошқалар:	
34.	---- қўзичоқлар (1 ёшгача бўлган)	0104 10 300 0
35.	---- бошқалар	0104 10 800 0
	– эчкилар:	0104 20
36.	-- тоза зотли насли ҳайвонлар	0104 20 100 0
37.	-- бошқалар	0104 20 900 0
	<b>Тирик уй паррандалари, хонаки парранда (Gallus domesticus), ўрдак, ғоз, куркалар ва цесаркалар:</b>	<b>0105</b>
	– оғирлиги 185 граммдан ошиқ бўлмаган:	
	-- хонаки товуқлар (Gallus domesticus):	0105 11
	---- ота ва она авлодининг наслини кўпайтирувчи жўжалар:	
38.	----- тухум йўналиши	0105 11 110 0
39.	----- бошқалар	0105 11 190 0
	---- бошқалар:	
40.	----- тухум йўналиши	0105 11 910 0
41.	----- бошқалар	0105 11 990 0
42.	-- куркалар	0105 12 000 0
43.	-- ўрдаклар	0105 13 000 0
44.	-- ғозлар	0105 14 000 0
45.	-- цесаркалар	0105 15 000 0
	– бошқалар:	
46.	-- хонаки товуқлар (Gallus domesticus)	0105 94 000 0
	-- илмий-тадқиқот учун:	0105 99
47.	--- ўрдаклар	0105 99 100 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
48.	---- ғозлар	0105 99 200 0
49.	---- куркалар	0105 99 300 0
50.	---- песаркалар	0105 99 500 0
	<b>Бошқа тирик ҳайвонлар:</b>	<b>0106</b>
	– сут эмизувчилар:	
	–– приматлар:	0106 11 00
51.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 11 001 0
52.	---- бошқалар	0106 11 009 0
	–– китлар, дельфинлар, денгиз чўчқаси (Cetacea сут эмизувчилар отряди); ламантин ва дюгонлар (Sirenia сут эмизувчилар отряди); тюлен, денгиз шери ва морж (Pinnipedia сут эмизувчилар отряди):	0106 12 00
53.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 12 001 0
54.	---- бошқалар	0106 12 009 0
	–– туялар ва бошқа туясимонлар оиласи (Camelidae):	0106 13 00
55.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 13 001 0
56.	---- бошқалар	0106 13 009 0
	–– хонаки қуёнлар ва ёввойи қуёнлар:	0106 14
	---- хонаки қуёнлар:	0106 14 10
57.	----- илмий-тадқиқот учун	0106 14 101 0
58.	----- бошқалар	0106 14 109 0
	---- бошқалар:	0106 14 90
59.	----- илмий-тадқиқот учун	0106 14 901 0
60.	----- бошқалар	0106 14 909 0
	–– бошқалар:	0106 19 00
61.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 19 001 0
	---- бошқалар	0106 19 009
62.	----- тулкилар	0106 19 009 1
63.	----- Арктика тулкиси	0106 19 009 2
64.	----- қундузлар	0106 19 009 4
65.	----- бошқалар	0106 19 009 9
	– судралиб юрувчилар (ш.ж. тошбақа ва илонлар):	0106 20 00
66.	–– илмий-тадқиқот учун	0106 20 001 0
67.	–– бошқалар	0106 20 009 0
	– кушлар:	
	–– йиртқич кушлар:	0106 31 00
68.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 31 001 0
69.	---- бошқалар	0106 31 009 0
	–– тўтиқушсимонлар (ш.ж. тўтиқуш, узун думли тўтиқуш, ара ва какаду):	0106 32 00
70.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 32 001 0
71.	---- бошқалар	0106 32 009 0
	–– туяқушлар; эму қуши (Dromaius novaehollandiae):	0106 33 00
72.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 33 001 0
73.	---- бошқалар	0106 33 009 0
	–– бошқалар:	0106 39
74.	---- кабутарлар	0106 39 100 0
	---- бошқалар:	0106 39 80
75.	----- илмий-тадқиқот учун	0106 39 801 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
76.	----- бошқалар	0106 39 809 0
	– ҳашаротлар:	
	-- асалари:	0106 41 000
	---- бол асалариси:	
77.	----- она асалари	0106 41 000 1
78.	----- асалари пакетлари	0106 41 000 2
79.	----- бошқалар	0106 41 000 3
	---- бошқалар:	
80.	----- илмий-тадқиқот учун	0106 41 000 8
81.	----- бошқалар	0106 41 000 9
	-- бошқалар	0106 49 000
82.	---- илмий-тадқиқот учун	0106 49 000 1
83.	---- бошқалар	0106 49 000 9
	-- бошқалар:	0106 90 00
84.	-- илмий-тадқиқот учун	0106 90 001 0
85.	-- бошқалар	0106 90 009 0
	<b>02-ГУРУҲ: ГҶШТ ВА ГҶШТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ СУБМАҲСУЛОТЛАРИ:</b>	
	<b>Янги сўйилган ёки совитилган йирик шохли қорамол гўшти***:</b>	<b>0201</b>
86.	– тана ва нимтана	0201 10 000 0
	-- бошқа тозаланмаган қорин маҳсулотлари:	0201 20
87.	-- “компенсацияланган” чорак нимталар	0201 20 200 0
88.	-- бўлинган ёки бўлинмаган олдинги чорак нимталар	0201 20 300 0
89.	-- бўлинган ёки бўлинмаган орқа чорак нимталар	0201 20 500 0
90.	-- бошқалар	0201 20 900 0
91.	– шилинган гўшт	0201 30 000 0
	<b>Музлатилган йирик шохли қорамол гўшти***:</b>	<b>0202</b>
92.	– тана ва нимтана	0202 10 000 0
	-- бошқа тозаланмаган қорин маҳсулотлари:	0202 20
93.	-- “компенсацияланган” чорак нимталар	0202 20 100 0
94.	-- бўлинган ёки бўлинмаган олдинги чорак нимталар	0202 20 300 0
95.	-- бўлинган ёки бўлинмаган орқа чорак нимталар	0202 20 500 0
96.	-- бошқалар	0202 20 900 0
	– шилинган гўшт:	0202 30
97.	-- олд чораклик, бутун ёки беш бўлакча кесилган, ҳар чораклик бир блок ҳолатида; “компенсацияланган” чораклик икки блок ҳолатида, бири бутун ёки беш бўлакча бўлинган олд чораклик бошқаси орқа чораклик, бунда битталиқ кесилмаларидан ташқари	0202 30 100 0
98.	-- курак, курак-бўйин қисми ва тўш	0202 30 500 0
99.	-- бошқалар	0202 30 900 0
	<b>Янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган чўчқа гўшти***:</b>	<b>0203</b>
	– янги сўйилган ёки совитилган:	
	-- тана ва нимтана:	0203 11
100.	---- хонаки чўчқалар	0203 11 100 0
101.	---- бошқалар	0203 11 900 0
	-- шилинмаган биқин, курак ва уларнинг бўлақлари, шилинмаган ҳолда:	0203 12
	---- хонаки чўчқалар:	



Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
102.	----- биқин гўшти ва унинг бўлаклари	0203 12 110 0
103.	----- курак гўшти ва унинг бўлаклари	0203 12 190 0
104.	---- бошқалар	0203 12 900 0
	--- бошқалар:	0203 19
	---- хонаки чўчқалар:	
105.	----- олд қисм ва уларнинг бўлаклари	0203 19 110 0
106.	----- корейка (беллари) ва унинг бўлаклари, шилинмагани	0203 19 130 0
107.	----- тўш (чизиклари) ва унинг бўлаклари	0203 19 150 0
	----- бошқалар:	
108.	----- шилинган гўшт	0203 19 550 0
109.	----- бошқалар	0203 19 590 0
110.	---- бошқалар	0203 19 900 0
	– музлатилган:	
	-- тана ва ярим тана:	0203 21
111.	---- хонаки чўчқалар	0203 21 100 0
112.	---- бошқалар	0203 21 900 0
	-- шилинмаган биқин, курак ва уларнинг бўлаклари, шилинмаган холда:	0203 22
	---- хонаки чўчқалар:	
113.	----- биқин гўшти ва унинг бўлаклари	0203 22 110 0
114.	----- курак гўшти ва унинг бўлаклари	0203 22 190 0
115.	---- бошқалар	0203 22 900 0
	-- бошқалар:	0203 29
	---- хонаки чўчқалар:	
116.	----- хонаки чўчқалар	0203 29 110 0
117.	----- корейка ва унинг бўлаклари	0203 29 130 0
118.	----- тўш ва унинг бўлаклари	0203 29 150 0
	----- бошқалар:	
119.	----- шилинган гўшт	0203 29 550 0
120.	----- бошқалар	0203 29 590 0
121.	---- бошқалар	0203 29 900 0
	<b>Янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган қўй ёки эчки гўшти***:</b>	<b>0204</b>
122.	– қўзичоқнинг танаси ва ярим танаси, янги сўйилган ёки совитилган – бошқа қўй гўшти, ярим танаси, янги сўйилган ёки совитилган:	0204 10 000 0
123.	-- тана ва ярим тана -- шилинмаган бошқа қисмлар:	0204 21 000 0 0204 22
124.	--- калта чопилган олдинги чорак нимталар	0204 22 100 0
125.	--- елка ва умуртқа қисмлари ёки буйрак қисмлари	0204 22 300 0
126.	--- тосболдир ва тўпиқ қисмлари	0204 22 500 0
127.	--- бошқалар	0204 22 900 0
128.	-- шилинган гўшт	0204 23 000 0
129.	– музлатилган қўзичоқнинг танаси ва ярим танаси – бошқа музлатилган қўй гўшти:	0204 30 000 0
130.	-- тана ва ярим тана -- бошқа тозаланмаган қорин маҳсулотлари:	0204 41 000 0 0204 42
131.	--- олд чорак нимтанинг майда чопилган бўлаклари	0204 42 100 0
132.	--- елканинг умуртқа қисмлари ва/ёки буйрак қисмлари	0204 42 300 0
133.	--- тосболдир қисмлари тўпиқ билан	0204 42 500 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
134.	---- бошқалар	0204 42 900 0
	-- шилинган гўшт:	0204 43
135.	---- кўзичоқлар	0204 43 100 0
136.	---- бошқалар	0204 43 900 0
	-- эчкиники:	0204 50
	-- янги сўйилган ёки совитилган:	
137.	---- тана ва ярим тана	0204 50 110 0
138.	---- олд чорак нимтанинг майда чопилгани бўлаклари	0204 50 130 0
139.	---- елканинг умуртқа қисмлари ва/ёки буйрак қисмлари	0204 50 150 0
140.	---- тосболдир қисмлари тўпик билан	0204 50 190 0
	---- бошқалар:	
141.	----- шилинган кесилмалари	0204 50 310 0
142.	----- шилинган гўшт	0204 50 390 0
	-- музлатилган:	
143.	---- тана ва ярим тана	0204 50 510 0
144.	---- олд чорак нимтанинг майда чопилган бўлаклари	0204 50 530 0
145.	---- елканинг умуртқа қисмлари ва/ёки буйрак қисмлари	0204 50 550 0
146.	---- тосболдир қисми тўпик билан	0204 50 590 0
	---- бошқалар:	
147.	----- шилинган кесилма	0204 50 710 0
148.	----- шилинган гўшт	0204 50 790 0
	<b>Янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган отлар, эшаклар, хачир ва хўтиklarнинг гўшти***:</b>	<b>0205 00</b>
149.	-- янги сўйилган ёки совитилган	0205 00 200 0
150.	-- музлатилган	0205 00 800 0
	<b>Янги сўйилган, совитилган, музлатилган йирик шохли қорамол, майда шохли қорамол, чўчка, от, эшак, мул ёки хачирларнинг озик-овқат субмахсулотлари***:</b>	<b>0206</b>
	-- йирик шохли қорамол, янги сўйилган ёки совитилган:	0206 10
151.	-- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 10 100 0
	-- бошқалар:	
152.	---- қалин ва ингичка диафрагма	0206 10 950 0
153.	---- бошқалар	0206 10 980 0
	-- йирик шохли қорамол, музлатилган:	
154.	-- тиллари	0206 21 000 0
	-- жигар:	0206 22 000
155.	---- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 22 000 1
156.	---- бошқалар	0206 22 000 9
	-- бошқалар:	0206 29
157.	---- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 29 100 0
	---- бошқалар:	
158.	----- қалин ва ингичка диафрагма	0206 29 910 0
159.	----- бошқалар	0206 29 990 0
	-- чўчкаларнинг, янги сўйилган ёки совитилган:	0206 30 000
	-- жигар:	
160.	---- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 30 000 1
161.	---- бошқалар	0206 30 000 2
	-- бошқалар:	
162.	---- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 30 000 3

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
163.	--- бошқалар	0206 30 000 4
	– чўчқаларнинг, музлатилган:	
	--- жигар:	0206 41 000
164.	--- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 41 000 1
165.	--- бошқалар	0206 41 000 9
	--- бошқалар:	0206 49 000
166.	--- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 49 000 1
167.	--- бошқалар	0206 49 000 9
	– янги сўйилган ёки совитилган бошқа маҳсулотлар:	0206 80
168.	--- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 80 100 0
	--- бошқалар:	
169.	--- отларнинг, эшакларнинг, мул ва хачирларнинг	0206 80 910 0
170.	--- қўй ва эчкиларнинг	0206 80 990 0
	– бошқа турдаги, музлатилган:	0206 90
171.	--- фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун	0206 90 100 0
	--- бошқалар:	
172.	--- отларнинг, эшакларнинг, мул ва хачирларнинг	0206 90 910 0
173.	--- қўй ва эчкиларнинг	0206 90 990 0
	<b>0105 – товар позициясида кўрсатилган янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган уй паррандаларининг гўшти ва озиқ-овқат субмаҳсулотлари***:</b>	<b>0207</b>
	– (Gallus domesticus) уй паррандалари:	
	--- янги сўйилган ёки совитилган бўлинмаган қисмлари:	0207 11
174.	--- 83% жўжалар сифатидаги пати юлинган, тозаланган ва ичак-човоқсиз, бошли ва панжали	0207 11 100 0
175.	--- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бўйинсиз, юрак, жигар ва ошқозонсиз, 70% жўжа ҳолатида	0207 11 300 0
176.	--- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бўйинсиз, юрак, жигар ва ошқозонсиз, 65% жўжа ёки бошқа бўлинган ҳолатда	0207 11 900 0
	--- музлатилган ва нимталанмаган:	0207 12
177.	--- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бўйинсиз, юрак, жигар ва ошқозонсиз, 70% жўжа ҳолатида	0207 12 100 0
178.	--- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бўйинсиз, юрак, жигар ва ошқозонсиз, 65% жўжа ёки бошқа бўлинган ҳолатда	0207 12 900 0
	--- янги сўйилган ёки совитилган тана бўлаклари ва субмаҳсулотлар:	0207 13
	--- тана бўлаклари:	
179.	----- гўшти шилинган	0207 13 100 0
	----- шилинмаган:	
180.	----- ярим ёки чорак нимталанган	0207 13 200 0
181.	----- учли ёки учсиз қанотлар	0207 13 300 0
182.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари алоҳида	0207 13 400 0
183.	----- кўкрак ва унинг бўлаклари	0207 13 500 0
184.	----- оёқ ва унинг бўлаклари	0207 13 600 0
185.	----- бошқалар	0207 13 700 0
	--- субмаҳсулотлар:	

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
186.	----- жигар	0207 13 910 0
187.	----- бошқалар	0207 13 990 0
	-- кўкрак ва субмахсулотлар қисми, музлатилган:	0207 14
	---- тана қисмлари:	
188.	----- гўшти шилинган	0207 14 100 0
	----- шилинмаган:	
189.	----- ярим ёки чорак нимталанган	0207 14 200 0
190.	----- бутун қанот учлари билан	0207 14 300 0
191.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари алоҳида	0207 14 400 0
192.	----- кўкрак ва унинг бўлаклари	0207 14 500 0
193.	----- оёқ ва унинг бўлаклари	0207 14 600 0
194.	----- бошқалар	0207 14 700 0
	---- субмахсулотлар:	
195.	----- жигар	0207 14 910 0
196.	----- бошқалар	0207 14 990 0
	-- куркаларнинг:	
	-- янги сўйилган ёки совитилган бўлақларга бўлинмаган:	0207 24
197.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бироқ бўйинли, юрак, жигар ва ошқозонли, 80% курка ҳолатида	0207 24 100 0
198.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бўйинсиз, юрак жигар ва ошқозонсиз, 73% курка ёки бошқа ҳолатида	0207 24 900 0
	-- музлатилган ва нимталанмаган:	0207 25
199.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бироқ бўйинли, юракли, жигар ва ошқозонли, 80% курка ҳолатида	0207 25 100 0
200.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз ва панжаларсиз, бўйинсиз, юрак, жигар ва ошқозонсиз, 73% курка ёки бошқа ҳолатида	0207 25 900 0
	-- янги сўйилган ёки совитилган тана бўлаклари ва субмахсулотлар:	0207 26
	---- тана бўлаклари:	
201.	----- гўшти шилинган	0207 26 100 0
	----- шилинмаган:	
202.	----- ярим нимта ёки чорак нимтали	0207 26 200 0
203.	----- бутун қанот учлари билан ёки учларисиз	0207 26 300 0
204.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари	0207 26 400 0
205.	----- кўкрак ва унинг бўлаклари	0207 26 500 0
	----- оёқ ва унинг бўлаклари:	
206.	----- болдир ва унинг бўлаклари	0207 26 600 0
207.	----- бошқалар	0207 26 700 0
208.	----- бошқалар	0207 26 800 0
	---- субмахсулотлар:	
209.	----- жигар	0207 26 910 0
210.	----- бошқалар	0207 26 990 0
	-- музлатилган тана қисмлари ва субмахсулотлари:	0207 27
	---- тана бўлаклари:	
211.	----- гўшти шилинган	0207 27 100 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
	----- шилинмаган:	
212.	----- ярим нимта ёки чорак нимтали	0207 27 200 0
213.	----- бутун қанот учлари билан ва учларисиз	0207 27 300 0
214.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари	0207 27 400 0
215.	----- кўкрак ва уни бўлаклари	0207 27 500 0
	----- оёқ ва унинг бўлаклари:	
216.	----- болдир ва унинг бўлаклари	0207 27 600 0
217.	----- бошқалар	0207 27 700 0
218.	----- бошқалар	0207 27 800 0
	---- субмаҳсулотлар:	
219.	---- жигар	0207 27 910 0
220.	---- бошқалар	0207 27 990 0
	- ўрдаклар:	
	-- янги сўйилган ёки совитилган бўлақларга бўлинмаган:	0207 41
221.	---- пати юлинган, қонсизлантирилган, ичак-човоқсиз, бироқ ички органлари олинмаган, бошли ва панжали 85% ўрдак ҳолатида	0207 41 200 0
222.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бош ва панжасиз, бироқ бўйин, юрак, жигар, ошқозонли 70% ўрдак кўринишида ёки бошқа ҳолатда	0207 41 300 0
223.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз, панжасиз, бўйинсиз, юрасиз, жигарсиз, ошқозонсиз 63% ўрдак кўринишида ёки бошқа ҳолатда	0207 41 800 0
	-- музлатилган ва нимталанмаган:	0207 42
224.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бош ва панжасиз, бироқ бўйин, юрак, жигар, ошқозонли 70% ўрдак кўринишида ёки бошқа ҳолатда	0207 42 300 0
225.	---- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бошсиз, панжасиз, бўйинсиз, юраксиз, жигарсиз, ошқозонсиз 63% ўрдак кўринишида ёки бошқа ҳолатда	0207 42 800 0
226.	-- янги сўйилган ёки совитилган ёғли жигар	0207 43 000 0
	-- янги сўйилган ёки совитилган бошқалар:	0207 44
	---- тана қисмлари:	
227.	----- гўшти шилинган	0207 44 100 0
	----- шилинмаган:	
228.	----- ярим ёки чорак нимтали	0207 44 210 0
229.	----- бутун қанот учлари билан ёки учсиз қанотлар	0207 44 310 0
230.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари	0207 44 410 0
231.	----- кўкрак ва уни бўлаклари ёки тош	0207 44 510 0
232.	----- оёқ ва унинг бўлаклари	0207 44 610 0
233.	----- палетотлар	0207 44 710 0
234.	----- бошқалар	0207 44 810 0
	---- субмаҳсулотлар:	
235.	---- жигар, ёғлидан ташқари	0207 44 910 0
236.	---- бошқалар	0207 44 990 0
	-- музлатилган бошқа маҳсулотлар:	0207 45
	---- тана қисмлари:	
237.	----- гўшти шилинган	0207 45 100 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
	----- шилинмаган:	
238.	----- ярим ёки чорак нимтали	0207 45 210 0
239.	----- бутун қанот учлари билан ёки учсиз қанотлар	0207 45 310 0
240.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари	0207 45 410 0
241.	----- кўкрак ва уни бўлаклари	0207 45 510 0
242.	----- оёқ ва унинг бўлаклари	0207 45 610 0
243.	----- палетотлар	0207 45 710 0
244.	----- бошқалар	0207 45 810 0
	---- субмахсулотлар:	
	----- жигар:	
245.	----- ёғли жигар	0207 45 930 0
246.	----- бошқалар	0207 45 950 0
247.	----- бошқалар	0207 45 990 0
	-- ғозларнинг:	
	-- янги сўйилган ёки совитилган бўлақларга бўлинмаган:	0207 51
248.	--- пати юлинган, қонсизлантирилган, ички органлари олинмаган, бошли ва панжали 82% ўрдақ ҳолатида	0207 51 100 0
249.	--- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бош ва панжасиз, бироқ юрак, ошқозонли ёки усиз 75% ғоз кўринишида ёки бошқа ҳолатда	0207 51 900 0
	-- музлатилган, қисмларга бўлинмаган:	0207 52
250.	--- пати юлинган, қонсизлантирилган, ичак-човоқ ва ички органли, бошли, панжали 82% ғоз ҳолатида	0207 52 100 0
251.	--- пати юлинган, ичак-човоқсиз, бош ва панжасиз, бироқ бўйин, ошқозонли ёки ошқозонсиз 75% ғоз кўринишида ёки бошқа ҳолатда	0207 52 900 0
252.	-- янги сўйилган ёки совитилган ёғли жигар	0207 53 000 0
	-- янги сўйилган ёки совитилган бошқалар:	0207 54
	---- тана қисмлари:	
253.	----- гўшти шилинган	0207 54 100 0
	----- шилинмаган:	
254.	----- ярим ёки чорак нимталанган	0207 54 210 0
255.	----- бутун қанот учлари билан ёки учсиз қанотлар	0207 54 310 0
256.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари	0207 54 410 0
257.	----- кўкрак ва уни бўлаклари ёки тош	0207 54 510 0
258.	----- оёқ ва унинг бўлаклари	0207 54 610 0
259.	----- палетотлар	0207 54 710 0
260.	----- бошқалар	0207 54 810 0
	---- субмахсулотлар:	
261.	----- жигар, ёғлидан ташқари	0207 54 910 0
262.	----- бошқалар	0207 54 990 0
	-- музлатилган бошқа махсулотлари:	0207 55
	--- тана қисмлари:	
263.	----- гўшти шилинган	0207 55 100 0
	----- шилинмаган:	
264.	----- ярим ёки чорак нимтали	0207 55 210 0
265.	----- бутун қанот учлари билан ёки учсиз қанотлар	0207 55 310 0
266.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва	0207 55 410 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
	учлари	
267.	----- кўкрак ва уни бўлаклари	0207 55 510 0
268.	----- оёқ ва унинг бўлаклари	0207 55 610 0
269.	----- палетотлар	0207 55 710 0
270.	----- бошқалар	0207 55 810 0
	---- субмахсулотлар:	
	----- жигар:	
271.	----- ёғли жигар	0207 55 930 0
272.	----- бошқалар	0207 55 950 0
273.	----- бошқалар	0207 55 990 0
	– цесаркаларнинг:	0207 60
274.	-- янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган, бўлақларга бўлинмаган	0207 60 050 0
	-- бошқалар:	
	---- тана қисмлари:	
275.	----- гўшти шилинган	0207 60 100 0
	----- шилинмаган:	
276.	----- ярим ёки чорак нимтали	0207 60 210 0
277.	----- бутун қанот учлари билан ёки учсиз қанотлар	0207 60 310 0
278.	----- елка, бўйин, елка ва бўйинли, қанотнинг тепа қисми ва учлари	0207 60 410 0
279.	----- кўкрак ва уни бўлаклари	0207 60 510 0
280.	----- оёқ ва унинг бўлаклари	0207 60 610 0
281.	----- бошқалар	0207 60 810 0
	---- субмахсулотлар:	
282.	----- жигар	0207 60 910 0
283.	----- бошқалар	0207 60 990 0
	<b>Янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган бошқа гўшт ва гўштли озиқ-овқат субмахсулотлари***:</b>	<b>0208</b>
	– хонаки қуёнлар ёки ёввойий қуёнлар:	0208 10
284.	-- хонаки қуён	0208 10 100 0
285.	-- бошқалар	0208 10 900 0
286.	– приматлар	0208 30 000 0
	– кит, дельфин ва денгиз чўчқаси (Cetacea сутэмизувчилар отряди); ламантин ва дюгон (Sirenia сутэмизувчилар отряди); тюлен, денгиз шери ва моржи (Pinnipedia сутэмизувчилар):	0208 40
287.	-- кит гўшти	0208 40 100 0
288.	-- тюлен гўшти	0208 40 200 0
289.	-- бошқалар	0208 40 800 0
290.	– судралиб юрувчилар (шунингдек, тошбақа ва илонлар)	0208 50 000 0
291.	– туялар ва бошқа туясимонлар оиласи (Camelidae)	0208 60 000 0
	– бошқалар:	0208 90
292.	-- хонаки кабутарлар	0208 90 100 0
293.	-- ёввойий қуш, хонаки қуёнлар ва ёввойий қуёнлардан ташқари	0208 90 300 0
294.	-- шимол кийиги	0208 90 600 0
295.	-- қурбақа панжаси	0208 90 700 0
296.	-- бошқалар	0208 90 980 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
	<b>Янги сўйилган, совитилган, музлатилган, тузли эритмада тузланган, қуритилган ёки дудланган, эритиб ёки бошқа усул билан ажратиб олинмаган чўчқа ёғи, гўштдан ажратиб олинган ёғ ва уй паррандаси ёғи***:</b>	<b>0209</b>
	– чўчқаларнинг:	0209 10
	-- тери ости ёғи:	
297.	---- янги сўйилган, совитилган, музлатилган, тузли эритмада ёки тузланган	0209 10 110 0
298.	---- қуритилган ёки дудланган	0209 10 190 0
299.	-- чўчқа ёғи, 0209 10 110 ёки 0209 10 190 товар позицияларида кўрсатилгандан ташқари	0209 10 900 0
300.	– бошқалар	0209 90 000 0
	<b>Тузланган, тузли эритмада, қуритилган ёки дудланган гўшт ва гўштли озиқ-овқат субмахсулотлари; озиқ-овқат истеъмоли учун гўшт ва субмахсулотдан олинган ўрта ва қаттиқ майдаланган ун***:</b>	<b>0210</b>
	– чўчқаларнинг:	
	-- шилинмаган биқин, елка ва улардан олинган ун (отрублар):	0210 11
	---- уй чўчқаларининг:	
	----- тузланган ёки тузли эритмада:	
301.	----- сон олди биқин ва биқин уни	0210 11 110 0
302.	----- курак ва курак уни	0210 11 190 0
	----- қуритилган ёки дудланаган:	
303.	----- сон олди биқин ва биқин уни	0210 11 310 0
304.	----- курак ва курак уни	0210 11 390 0
305.	---- бошқалар	0210 11 900 0
	-- кўкрак қисмларидан олинган ун:	0210 12
	---- хонаки чўчқалардан:	
306.	---- тузланган ёки тузли эритмада	0210 12 110 0
307.	---- қуритилган ёки дудланган	0210 12 190 0
308.	---- бошқалар	0210 12 900 0
	-- бошқалар:	0210 19
	---- уй чўчқалари:	
	----- тузланган ёки тузли эритмада:	
309.	----- бекон бўлаклари ёки спенсерлар	0210 19 100 0
310.	----- чўчқа биқинининг 3/4 қисми ва спенсерлар	0210 19 200 0
311.	----- тананинг олд қисмларидан олинган ун	0210 19 300 0
312.	----- сарпанжадан олинган ун	0210 19 400 0
313.	----- бошқалар	0210 19 500 0
	----- қуритилган ёки дудланган:	
314.	----- тананинг олд қисмларидан олинган ун	0210 19 600 0
315.	----- сарпанжадан олинган ун ва сарпанжа	0210 19 700 0
	----- бошқалар:	
316.	----- гўшти шилинган	0210 19 810 0
317.	----- бошқалар	0210 19 890 0
318.	---- бошқалар	0210 19 900 0
	– йирик шохли қорамолларнинг гўшти:	0210 20
319.	-- гўшти шилинмаган	0210 20 100 0
320.	-- шилинган гўшт	0210 20 900 0



Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
	– бошқа гўшт ёки гўшт субмахсулотларидан тайёрланган майда ва дағал озиқ-овқат уни:	
321.	– – приматлар	0210 91 000 0
	– кит, дельфин ва денгиз чўчқаси (Cetacea сут эмизувчилар отряди); ламантин ва дюгон (Sirenia сут эмизувчилар отряди); тюлен, денгиз шери ва моржи (Pinnipedia сут эмизувчилар):	0210 92
322.	– – – кит, дельфин ва денгиз чўчқаси (Cetacea сут эмизувчилар отряди); ламантин ва дюгон (Sirenia сут эмизувчилар отряди)	0210 92 100 0
	– – – – бошқалар:	
323.	– – – – – гўшт	0210 92 910 0
324.	– – – – – субмахсулотлар	0210 92 920 0
325.	– – – – – гўшт ва гўштли субмахсулотларидан тайёрланган майда ва дағал озиқ-овқат уни	0210 92 990 0
326.	– – судралиб юрувчилар (шунингдек, тошбақа ва илонлар)	0210 93 000 0
	– – бошқалар:	0210 99
	– – – – гўшт:	
327.	– – – – – отларнинг тузланган, тузли эритмадаги ёки қуритилган қўй ва эчкиларнинг:	0210 99 100 0
328.	– – – – – шилинмаган	0210 99 210 0
329.	– – – – – шилинган гўшт	0210 99 290 0
330.	– – – – – шимол кийикларининг	0210 99 310 0
331.	– – – – – бошқалар	0210 99 390 0
	– – – – – субмахсулотлар:	
	– – – – – хонаки чўчқаларнинг:	
332.	– – – – – жигар	0210 99 410 0
333.	– – – – – бошқалар	0210 99 490 0
	– – – – – йирик шохли қорамолларнинг:	
334.	– – – – – қалин ва ингичка диафрагмаси	0210 99 510 0
335.	– – – – – бошқалар	0210 99 590 0
	– – – – – бошқалар:	
	– – – – – уй паррадасининг жигари:	
336.	– – – – – – тузланган ёки тузли эритмадаги ғоз ёки ўрдакларнинг ёғли жигари	0210 99 710 0
337.	– – – – – – бошқалар	0210 99 790 0
338.	– – – – – – бошқалар	0210 99 850 0
339.	– – – – – гўшт ва гўштли субмахсулотлардан тайёрланган майин ва дағал майдаланган озиқ-овқат учун ун	0210 99 900 0
	<b>03-ГУРУҲ: БАЛИҚ ВА ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР, МОЛЛЮСКА ВА БОШҚА УМУРТҚАСИЗ СУВ ҲАЙВОНЛАРИ</b>	
	<b>тирик балиқ:</b>	<b>0301</b>
	– декоратив балиқлар:	
340.	– – чучук сув балиқлари	0301 11 000 0
341.	– – бошқалар	0301 19 000 0
	– бошқа тирик балиқ:	
	– – фореллар (Salmo trutta, Oncorhynchus mykiss, Oncorhynchus clarki, Oncorhynchus aguabonita, Oncorhynchus gilae, Oncorhynchus apache ва Oncorhynchus chrysogaster):	0301 91
342.	– – – Oncorhynchus apache ёки Oncorhynchus chrysogaster тури	0301 91 100 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
343.	---- бошқалар	0301 91 900 0
	--угорь ( <i>Anguilla</i> spp.):	0301 92
344.	---- узунлиги 12 см дан кам бўлган	0301 92 100 0
345.	---- узунлиги 12 см дан ёки ундан кўп бўлган, бироқ 20 см дан кам бўлган	0301 92 300 0
346.	---- узунлиги 20 см ёки кўп бўлган	0301 92 900 0
347.	-- карп ( <i>Cyprinus</i> spp., <i>Carassius</i> spp., <i>Ctenopharyngodon idellus</i> , <i>Hypophthalmichthys</i> spp., <i>Cirrhinus</i> spp., <i>Mylopharyngodon piceus</i> , <i>Catlacatla</i> , <i>Labeo</i> spp., <i>Osteochilus hasselti</i> , <i>Leptobarbus hoeveni</i> , <i>Megalobrama</i> spp.)	0301 93 000 0
	-- мовий ёки оддий ва Тинч океани тунецлари ( <i>Thunnus thynnus</i> , <i>Thunnus orientalis</i> ):	0301 94
348.	---- мовий ёки оддий тунецлари ( <i>Thunnus thynnus</i> )	0301 94 100 0
349.	---- Тинч океани ҳаво рангли тунеци	0301 94 900 0
350.	-- ( <i>Thunnus massoyii</i> ) жанубий мовий тунеци	0301 95 000 0
	-- бошқалар:	0301 99
	---- чучук сув балиқлари:	
351.	----- Тинч океани лососи ( <i>Oncorhynchus nerka</i> , <i>Oncorhynchus gorbusha</i> , <i>Oncorhynchus keta</i> , <i>Oncorhynchus tshawytscha</i> , <i>Oncorhynchus kisutch</i> , <i>Oncorhynchus masou</i> ва <i>Oncorhynchus rhodurus</i> ), Атлантика лососи ( <i>Salmo salar</i> ) ва Дунай лососи ( <i>Hucho hucho</i> )	0301 99 110 0
	----- бошқалар:	0301 99 18
	----- осётрлар:	
352.	----- ивилдириклар	0301 99 181 0
353.	----- бошқалар	0301 99 182 0
354.	----- бошқалар	0301 99 186 0
355.	---- бошқалар	0301 99 850 0
	<b>0304 – товар позициясидаги балиқ филеси ёки бошқа балиқ гўштидан ташқари тирик ёки совитилган балиқ***:</b>	<b>0302</b>
	-0302 91-030299 товар субпозициясидаги балиқларнинг озиқ-овқат субмахсулотларидан ташқари лосос:	
рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
21-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат ветеринария хизмати

Қайтариш тўғрисида далолатномани расмийлаштирган ветеринария  
ва чорвачиликни ривожлантириш органи

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

Манзил \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

E-mail \_\_\_\_\_

**Маҳсулотни қайтариш тўғрисида**  
\_\_\_\_\_ -сон **ДАЛОЛАТНОМА**

Мен давлат ветеринария инспектори \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

товар қабул қилувчининг вакили \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., қабул қилиб олувчининг номи ва манзили, телефони)

ва бошқа шахслар \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., лавозими, корхона номи)

\_\_\_\_\_ иштирокида

(экспорт қилувчи мамлакат номи ва ишлаб чиқарувчи корхона номи)

\_\_\_\_\_ дан келтирилган

(товар номи, жойи, миқдори, оғирлиги)

\_\_\_\_\_ ни қайтариш тўғрисида қарор қилдим.

Транспорт тури \_\_\_\_\_  
(транспорт воситаси рақами ва номи)

Кузатув ҳужжатлари бўйича \_\_\_\_\_  
(ветеринария сертификати, сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжат)

Импорт/экспорт рухсатномаси, рақами ва санаси \_\_\_\_\_  
(зарур холда)

Жўнатувчи \_\_\_\_\_

Қабул қилувчи \_\_\_\_\_

Қайтариш сабаби \_\_\_\_\_

М.Ў.

Имзолар:

1. Ваколатли мансабдор шахс \_\_\_\_\_

2. Товар қабул қилувчининг вакили \_\_\_\_\_

3. Бошқа ходимлар \_\_\_\_\_

Далолатнома 3 нусхада тузилди.

Товарни қайтариш тўғрисида \_\_\_\_\_-сон далолатноманинг  
1-нусхасини олдим \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

Товарни қайтариш тўғрисида \_\_\_\_\_-сон далолатноманинг  
2-нусхасини олдим \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

Товарни қайтариш тўғрисида \_\_\_\_\_-сон далолатноманинг  
3-нусхасини олдим \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги  
товарлар экспорти, импорти ва транзити учун  
рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
22-илова

**Товарларни қайтариш декларацияси/  
Non-manipulation declaration/  
Декларация о возврате товара**

A. Товар таърифи/Consignment details/Описание товара

1. Товар тури/Consignment type/Вид товара \_\_\_\_\_

2. Ишлаб чиқарувчи давлат/Country of origin/Страна происхождения \_\_\_\_\_

3. Транспорт тури/Mean of transport/Транспортное средство \_\_\_\_\_

(вагон, автомобиль, контейнер раками, самолёт рейс раками, кема номи/the number of railway carriage, truck, container,

flight-number, name of the ship/№ вагона, автомашины, контейнера, рейс самолета, название судна)

4. Пломба№/Seal №/пломбы № \_\_\_\_\_

5. Жой сони/Quantity of goods/Количество мест \_\_\_\_\_

Вазни/Weight/Вес \_\_\_\_\_

6. Маркировкаси/Labelling/Маркировка \_\_\_\_\_

7. Ветеринария сертификати№/Veterinary Certificate № /Ветеринарного сертификата№ \_\_\_\_\_

Берилган вақти/Date of issue/Дата выдачи \_\_\_\_\_

8. Сертификат берган масъул орган/Issued by Competent authority/Сертификат выдан компетентным органом \_\_\_\_\_

9. Товар юборилган мамлакат/Country from which consignment last dispatched/Страна, из которой отправлен товар \_\_\_\_\_

10. Товарларнинг тақдим этилган хужжатларга мувофиқлиги/  
Consignment corresponds to documents presented/Соответствие товара  
представленным документам \_\_\_\_\_

(ха/йўқ) (yes/no) (да/нет)

11. Транспорт воситасининг ва ташишдаги режимнинг мувофиқлиги/  
Means of transport and regime of transportation meets the relevant  
requirements/Соответствие транспортного средства и режима транспортировки \_\_\_\_\_

(ха/йўқ) (yes/no) (да/нет)

B. Ариза/Statement/Заявление

Юқорида қайд этилган товарни қабул қилишга рухсат этилмади/The  
consignment mentioned above has been refused acceptance in/Товар, упомянутый

выше, не разрешен к приемке в \_\_\_\_\_

импорт қилишда Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги ветеринария талаблари бажарилмаганлиги сабабли/because it does not meet the following veterinary import requirements of the Republic of Uzbekistan/по причине невыполнения следующих ветеринарных требований Республики Узбекистан при импорте: \_\_\_\_\_

Мен, давлат ветеринария инспектори, Ўзбекистон Республикаси божхона худудига № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ рақамли  
пломба билан келиб тушган қайтарилаётган товар/The state veterinary inspector, confirm that the returned consignment which entered the territory of the Republic of Uzbekistan with the seal № \_\_\_\_\_

/  
Я, государственный ветеринарный инспектор, подтверждаю, что возвращаемый товар, поступивший на таможенную территорию Республики Узбекистан под пломбой № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_,  
транспортировка вақтида, сақлашда, шу жумладан, товар ҳолатини ўзгартирадиган ҳар қандай манипуляцияларга дуч келмаганлигини тасдиқлайман/has not undergone any handling altering its status including transport and storage /не подвергался каким-либо манипуляциям, изменившим его состояние, включая транспортировку и хранение.

Товар қайтарилаётган транспорт воситаси  
№ \_\_\_\_\_ рақамли  
пломба билан пломбаланган /The means of transport which contains the returned consignment is resealed with the seal № \_\_\_\_\_

/Транспортное средство, в котором возвращается товар, опломбировано пломбой № \_\_\_\_\_

Декларацияни тасдиқловчи шахснинг мақоми/Status of person confirming the declaration/Статус лица, подтверждающего декларацию

Ф.И.О. босма ҳарфлар билан/Name in capital letters/Ф.И.О. печатными буквами \_\_\_\_\_

Имзо/Signature/Подпись \_\_\_\_\_

Лавозими/Должность/Position \_\_\_\_\_

Давлат ветеринария назорати/State Veterinary Control/Государственный ветеринарный надзор \_\_\_\_\_

Сана/Date/Дата \_\_\_\_\_

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги  
товарлар экспорти, импорти ва транзити учун  
рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
23-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали назоратдаги товарларнинг транзит ўтиши учун рухсатнома бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (учинчи давлатнинг марказий ветеринария органи (МДХ давлатлари учун) ҳамда юридик ёки жисмоний шахслар)	Рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва аризани Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига тақдим этади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси	1. Тақдим этилган аризани кўриб чиқади. 2. Рухсатномани беради ёки асослантирган ҳолда рухсатнома беришни рад этади.	Мурожаат қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “10” апрелдаги 148-сон қарорига  
2-илова

**Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари  
ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги  
ҳақидаги гувоҳномани бериш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни (кейинги ўринларда – ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар) рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза берувчи** – ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олиш мақсадида ваколатли органга мурожаат этувчи тадбиркорлик субъекти (юримдик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор);

**ваколатли орган** – ариза берувчининг аризасини кўриб чиқиш, ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий маркази;

**рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси** – ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

3. Ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномасини бериш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема ва шакл бўйича амалга оширилади.

4. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси ариза берувчига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича 5 йил муддатга берилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни сотиб олиш мажбуриятини юкламайди ва сифат сертификати ҳисобланмайди.

5. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига эга бўлмаган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишга йўл қўйилмайди.

6. Ушбу Низом 5-бандининг талаблари қуйидаги мақсадларда:  
экспертизадан ўтказиш учун синов партиялари ва намуналари сифатида;  
кўргазмалар, апробация ва синовлар ўтказиш доирасида;



ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича фавқулодда ҳолатлар юзага келганда бюджет ташкилотларининг талабига кўра олиб келинаётган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларга татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар**

7. Қуйидагилар ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш, қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда рухсат беришга доир талаб ва шартлар ҳисобланади:

ариза берувчи томонидан ветеринария қонунчилигига, ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатга олиш ҳужжатларидаги маълумотларда ҳавола қилинган норматив-техник ҳужжатларга сўзсиз риоя этиш;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси амал қилиш даврида рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси томонидан рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш тўғрисида, мазкур ўзгартиришлар киритилишининг сабаблари, ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларнинг самарадорлиги, хавфсизлиги, сифат кўрсаткичларига таъсири ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирган ҳолда ваколатли органни хабардор қилиш;

республика ҳудудидаги биологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш шароитларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Марказий режим комиссияси ҳулосасига мувофиқ ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар ишлаб чиқаришни амалга ошириш;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш.

## **3-боб. Ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

8. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун ариза берувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакил) ваколатли органга ушбу Низомга 3-иловада келтирилган паспортга мувофиқ ариза тақдим этади ва ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва намуналарни илова қилади.

9. Бир ишлаб чиқарувчининг турли давлатларда бир хил ном остида ишлаб чиқарган ёки таркиби бир хил бўлган ҳар бир ветеринария дори воситалари ёки озуқабоп қўшимчаларининг ишлаб чиқариш шароитлари баҳоланади, тақдим этилган ҳужжатлари ва намуналари экспертизадан ва лаборатория синовларидан ўтказилади.

10. Тадбиркорлик субъектидан ушбу Низомга 3-иловада келтирилган паспортда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва намуналарни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки ахборот тизими орқали (жорий этилишига кўра) тақдим этилади.

Бунда ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур намуналар бевосита ёки почта алоқа воситаси орқали тақдим этилади.

12. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда рўйхат бўйича қабул қилинади, ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда дарҳол ариза берувчига берилади (юборилади).

13. Ариза берувчига рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш учун давлат бошқа органларида мавжуд бўлган ҳужжат ва маълумотлар талаб этилган ҳолатларда “ягона дарча” тамойили бўйича соддалаштирилган тартибдаги сўров жўнатилиб, ваколатли орган ушбу ҳужжатларни ариза берувчи иштирокисиз қабул қилиб олади.

14. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги махфий маълумотлар ваколатли орган томонидан ошкор қилинмаслиги лозим.

15. Ваколатли орган ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг уч кун муддатда ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади, талаб этиладиган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда, мавжуд камчиликларни кўрсатиб, баргараф этишга муддат берган ҳолда ариза берувчига қайтаради.

16. Ваколатли орган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш шароитлари, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифат назоратини олиб бориш қоидалари талаблари бўйича амалга оширилаётган ишларни баҳолашдан ўтказади.

Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари жиҳатидан ишлаб чиқаришни баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

17. Ваколатли орган ариза берувчи томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, лаборатория синовлари ўтказилиб, тегишли тўловлар амалга оширилганидан сўнг йигирма тўрт иш кунидан ошмаган муддатда қуйидагиларни амалга оширади:

ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш;

ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар намуналарининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, сифат кўрсаткичлари ҳамда тавсия этилган синов усуллари ўтказилишига мувофиқлигини ўрганиш.

18. Ваколатли орган ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ ҳужжатларни қабул қилиб олгандан сўнг йигирма тўрт иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Илмий-техник кенгашига синов натижалари ва ҳужжатларининг таҳлилларини тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Илмий-техник кенгаши томонидан баённома шаклидаги хулосасини ваколатли органга тақдим этади.

19. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилингандан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини юборади (топширади) ёки рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

20. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш, уни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш бўйича ариза кўриб чиқилади, шунингдек, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ишлар бажарилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш, уни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддатини узайтириш учун маҳаллий ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи вакили) томонидан тақдим этилган ҳар бир ариза кўриб чиқилишида кўрсатиладиган пуллик хизмат учун ундириладиган ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан ваколатли органда юқоридаги ишларни амалга ошириш учун сарфланган харажатлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда тасдиқланади.

Пуллик хизмат суммаси ваколатли орган ҳисобварағига ўтказилади.

Ариза берувчи аризасидан воз кечган тақдирда ёки гувоҳнома бериш рад этилганда тўланган пуллик хизмат суммаси қайтариб берилмайди.

21. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида йиғим ундирилади.

Ундирилган йиғим суммаси ваколатли орган ҳисобварағига ўтказилади.

22. Қуйидагилар рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ариза берувчи томонидан ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;

ишлаб чиқариш шароитлари, ишлаб чиқарувчи корхона ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифат назоратини олиб бориш қоидалари талабларига мувофиқ бўлмаганда;

ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда, шунингдек, апробация ва синов натижаларининг яқунлари бўйича асосланган салбий хулосалар олинганда.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беришни рад этиш “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28 ва 29-моддалари ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

23. Бошқа асосланмаган сабабларга, шу жумладан, мақсадга номувофиқлигига кўра рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

24. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома ариза берувчига рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади).

Ариза берувчи рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш рад этилганлиги сабабларини бартараф этиш ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга ҳақли бўлган муддат рад этиш ҳақидаги ёзма ёки электрон хабар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

25. Ариза берувчи томонидан рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилган ҳолатларда ваколатли орган томонидан ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ариза берувчининг аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ариза берувчининг аризасини қайта кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

26. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ариза берувчига илгари ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

27. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг ариза берувчи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ариза ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

28. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беришнинг рад этилиши, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш**

29. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугагач, ариза берувчининг аризасига кўра унинг муддати узайтирилиши мумкин.

30. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугашига 90 кун қолганда топширилиши керак.

31. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг муддатини узайтириш рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

#### **5-боб. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш**

32. Ариза берувчи – юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, ариза берувчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин беш иш куни мобайнида ваколатли органга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

33. Жисмоний шахс бўлган ариза берувчининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, ариза берувчи қайта рўйхатдан ўтгандан кейин беш иш куни мобайнида ваколатли органга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

34. Янгидан юзага келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эга бўлган ариза берувчи юридик шахслар қўшиб юборилган тақдирда, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини ушбу Низомнинг 32-бандида назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

35. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасидаги мавжуд маълумотлар ушбу Низомнинг 32, 33 ва 34-бандларида назарда тутилмаган ҳолларда ўзгартирилган тақдирда, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси ариза берувчининг тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризаси бўйича қайта расмийлаштирилади.

36. Ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

37. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси қайта расмийлаштирилгунга қадар, ариза берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолият турини бажаради ёки амалга оширади.

38. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли орган томонидан ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг беш иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

39. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 32 ва 33-бандларида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

40. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32, 33 ва 34-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

41. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш учун асос бўладиган рухсат бериш талаблари ва шартлари бир маротаба кўпол равишда бузилишига рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси амал қилиши натижасида одамлар ёки ҳайвонлар ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказиш ёхуд зарар етказилишининг реал хавфини пайдо қилиш киради.

#### **6-боб. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестри**

42. Ваколатли орган берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

43. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестрида қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилади:

юридик шахс учун – номи, жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахс учун – фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), фаолият (ҳаракатлар) амалга ошириладиган манзил;

ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларни ишлаб чиқарувчи давлат ва ишлаб чиқарувчи номи;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг берилган санаси ва тартиб рақами;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати;  
ветеринария дори воситаси ҳамда озучабоп қўшимчанинг номи, уларнинг чиқарилиш шакли, фармакотерапевтик гуруҳи ва таъсир этувчи моддаси;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, уларни бекор қилиш асослари ҳамда санаси;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасига ўзгартишлар киритиш, асослари ҳамда санаси.

44. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестридаги маълумотлар танишиб чиқиш учун очиқ ҳисобланади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

45. Давлат ветеринария назорати органларининг фаолиятига аралашиб, давлат ветеринария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида уларга ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

46. Ушбу Низомни қўллаш бўйича юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

47. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бериш тўғрисидаги низомга  
1-илова

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (юридик шахс ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор)	1. Ушбу Низомнинг 8-бандига асосан ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди. 2. Ваколатли органга ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази	Тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхат нусхасини ҳужжатларнинг қабул қилинган санасини кўрсатган ҳолда дарҳол ариза берувчига беради (юборади).	Ҳужжатлар қабул қилингандан кейин 3 кун муддатда
3-босқич	Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази Илмий-техник кенгаш	Ҳужжатларни кўриб чиқади, Низомнинг 17 ва 18-бандларида кўрсатилган ишларни амалга оширади ва шу асосда хулоса тайёрлайди: 1. Ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни синаш натижалари бўйича хулоса бериш; 2. Ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларнинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш ёки уни рад этиш.	Лаборатория синовлари ўтказилгандан кейин йигирма тўрт иш куни мобайнида
4-босқич	Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази	Ариза берувчига рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини беради (юборади) ёки рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилишини рад этиш тўғрисида ариза берувчини ёзма шаклда хабардор қилади.	Тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш кунидан кечиктирмай



Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори  
воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан  
ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бериш  
тўғрисидаги низомга  
2-илова



Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги  
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг  
Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи  
назорати бўйича давлат илмий маркази  
**РЎЙХАТГА ОЛИШ ГУВОҲНОМАСИ № 000-000**

Ушбу гувоҳнома \_\_\_\_\_  
(тадбиркорлик субъекти номи)

\_\_\_\_\_ га шу ҳақда берилдики,  
маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп  
қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бериш тўғрисидаги  
низомга мувофиқ:

\_\_\_\_\_  
(ветеринария дори воситаси ёки озуқабоп қўшимчанинг номи)

\_\_\_\_\_  
(ишлаб чиқарувчи корхона ва давлат)

шаклида \_\_\_\_\_

мақсадида қўллаш учун \_\_\_\_\_

№ ВП-0000-00 рақами билан реестрга киритилди.

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да

5 йил муддатга

Ушбу гувоҳнома мазкур ветеринария дори воситалари ёки озуқабоп қўшимчаларни сотиб олиш учун  
мажбурият, шунингдек, сифат сертификати ҳисобланмайди.

\_\_\_\_\_  
(ваколатли орган раҳбарининг Ф.И.О., имзоси ва муҳр)

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори  
воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан  
ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бериш  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп  
қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг  
ПАСПОРТИ

1.	<b>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:</b>	Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома
2.	<b>Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):</b>	Белгиланган тартибда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, қўллаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш
3.	<b>Ариза берувчилар тоифаси:</b>	Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор
4.	<b>Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:</b>	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази
5.	<b>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:</b>	а) Ариза. Аризада куйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахс Ф.И.О.; манзил, телефон (агар мавжуд бўлса), электрон почта (агар мавжуд бўлса); вакил бўлган юридик шахс номи ёки жисмоний шахс Ф.И.О., манзили, телефон (агар мавжуд бўлса), электрон почта (агар мавжуд бўлса); дори воситаси/озуқабоп қўшимча тўғрисидаги маълумотлар: умумий қабул қилинган номи; савдодаги номи; таркиби; шакли; қўлланиши; патент (муаллифлик гувоҳномаси) мавжудлиги, унинг тартиб рақами; тайёрловчи бўлган юридик шахс номи ёки жисмоний шахс Ф.И.О., манзили, телефон (агар мавжуд бўлса), электрон почта (агар мавжуд бўлса); ишлаб чиқарувчи бўлган юридик шахс номи ёки жисмоний шахс Ф.И.О., манзили, телефон (агар мавжуд бўлса), электрон почта (агар мавжуд бўлса); б) ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчалар таркибига кирувчи компонентларнинг номи ва миқдори кўрсатилган рўйхат; в) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп

		<p>кўшимчаларнинг сифат кўрсаткичларини техник талаблар асосида назорат қилиш усуллари, тегишли халқаро ёки давлат фармакопея мақолалари матнлари (TSh, Ts, DSt, KSt, TSt, ГОСТ);</p> <p>г) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ишончли вакиллари учун ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши бўйича маълумотлар (ТУ, ГОСТ, ОСТ, СТО);</p> <p>д) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан ташқари давлатларда ишлаб чиқарилаётган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларнинг сифат кўрсаткичларини техник талаблар асосида назорат қилиш усуллари, тегишли халқаро ёки давлат фармакопея мақолалари матнлари, валидацияси усуллари;</p> <p>е) ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларни қўллаш бўйича йўриқномалар (қўлланмалар) ёки уларнинг лойиҳалари;</p> <p>ж) ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларнинг сифат ёки мувофиқлик сертификати;</p> <p>з) ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши бўйича маълумотлар (тайёрлаш бўйича технологик йўриқнома ёки регламент, блок-схемалар);</p> <p>и) ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларнинг таъсир қилиш самарадорлиги, зарарсизлиги ва сифат барқарорлиги бўйича маълумотлар;</p> <p>й) ветеринария биологик препаратларининг самарадорлиги, иммуногенлиги, зарарсизлиги, вирулентлиги ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган микроорганизмлар штамлари (вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва бошқалар) бўйича асословчи маълумотлар;</p> <p>к) ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп кўшимчаларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларда кўрсатилган синаш учун етарли ҳажмдаги намуналари ҳамда уларнинг фаол таъсир этувчи моддалари (асосий таъсир этувчи модданинг стандарт намунаси), тест-тизимлар, диагностик тўпламлар.</p>
6.	<p><b>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:</b></p>	<p>Маҳаллий ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчи (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи вакили) томонидан тақдим этилган ҳар бир аризани кўриб чиқишда кўрсатилган пуллик хизматга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан тасдиқланган прејскурант бўйича ҳақ ундирилади.</p>
7.	<p><b>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:</b></p>	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари</p>
8.	<p><b>Аризани кўриб чиқиш муддати:</b></p>	<p>24 иш куни</p>
9.	<p><b>Рухсат беришга оид талаб ва шартлар:</b></p>	<p>а) Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилиш;</p>

		<p>б) Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 ноябрдаги 905-сон қарори билан тасдиқланган Ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчалари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент талабларига риоя қилиш;</p> <p>в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан тасдиқланган ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя қилиш;</p> <p>г) Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низомнинг рухсат беришга доир талаб ва шартларига риоя қилиш.</p>
10.	<b>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:</b>	Мавжуд эмас
11.	<b>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:</b>	5 йил

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “10” апрелдаги 148-сон қарорига  
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада:

а) “Тадбирлар” устунда:

“Экспорт” бўлими III босқич позициясидаги “(гувоҳномалари)” сўзи чиқариб ташлансин;

“Импорт” бўлими IV босқич позициясидаги “ветеринария гувоҳномалари” сўзлари “ветеринария сертификатлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Муддатлари” устунда:

“Экспорт” бўлими III босқич позициясидаги “30 кун мобайнида” сўзлари “белгиланган тартибда 4 соат мобайнида” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Импорт” бўлими IV босқич позициясидаги “30 кун мобайнида” сўзлари “белгиланган тартибда 4 соат мобайнида” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 ноябрдаги 905-сон қарори билан тасдиқланган Ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчалари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг 3-банди рус тилидаги матнида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

**“диагностикумы и диагностические тест-системы – диагностикумы, тест наборы и тест полоски для определения состава продукции и сырья животного происхождения, их пригодности к использованию;**

**корма – продукты растительного и животного происхождения, используемые для кормления животных”;**

олтинчи – йигирма учинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи – йигирма бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 11 майдаги 277-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар

ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига (кейинги ўринларда – Реестр) киритилган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларнинг давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга рухсат берилади;”;

тўртинчи хатбоши “давлат мақсадлари” сўзларидан кейин “ҳамда инсонпарварлик (гуманитар) ёрдами” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 3-банд ва унга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарори билан тасдиқланган 2020 – 2022 йилларда хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкиларни сотиб олган хўжаликларга ҳамда республикада наслдор қорамолларни етиштирадиган наслчилик хўжаликларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Гўшт ва сут йўналишидаги хўжаликларда импорт қилинадиган наслдор қорамолларнинг туғиш вақтида кутилаётган ёши 36 ойдан кўп бўлмаслиги, шунингдек, бўғоз бўлганлиги ва ҳомиланинг отаси тўғрисида қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиши лозим.”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги маҳсулотлар рўйхатига изоҳнинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“\*Ушбу рўйхатдан фойдаланишда маҳсулотнинг ТИФ ТН кодига ва маҳсулот номига амал қилинади”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон ҳисобварақ-фактурага киритиладиган

### МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги**	Маҳсулот (хизмат)ларнинг Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди*
1	Сигир сути	литр	00401001001000000
2	Эчки сути	литр	00401001002000000
3	Қўй сути	литр	00401001005000000
4	Бутун (бўлинмаган) мол гўшти	кг	00201001004000000
5	Суяксиз мол гўшти	кг	00201001001000000
6	Қўй гўшти	кг	00204001001000000

7	Эчки гўшти	кг	00204002001000000
8	Янги сўйилган товук гўшти	кг	00207001001000000
9	Музлатилган парранда гўшти	кг	00207002001000000
10	Музлатилган товук гўшти (бўлақларга бўлинмаган)	кг	00207002001000002
11	Курка гўшти (тозаланган, патсиз)	кг	00207001004000000
12	Музлатилган курка гўшти	кг	00207002004000000
13	Янги сўйилган ўрдақ гўшти	кг	00207001001000000
14	Янги сўйилган ғоз гўшти	кг	00207001003000000
15	Янги сўйилган курка гўшти	кг	00207001004000000
16	Бедана гўшти	кг	00207001005000000
17	Суякли мол гўшти	кг	00201001003000000
18	Товук тухуми	дона	00407001001000000
19	Бедана тухуми	дона	00407001002000000
20	Туя куш тухуми	дона	00407001003000000
21	Ғоз тухуми	дона	00407001005000000
22	Ўрдақ тухуми	дона	00407001004000000
23	Курка тухуми	дона	00407001006000000
24	Сазан	кг	00301001001000000
25	Сом	кг	00301001002000000
26	Судак	кг	00301001003000000
27	Карп	кг	00301001004000000
28	Толстолоб	кг	00301001005000000
29	Осётр	кг	00301001006000000
30	Оқ амур	кг	00301001007000000
31	Форель	кг	00301001009000000
32	Лосось	кг	00301001011000000
33	Музлатилган толстолоб	кг	00303001001000000
34	Музлатилган форель	кг	00303001004000000
35	Музлатилган лосось	кг	00303001005000000
36	Музлатилган сом	кг	00303001006000000
37	Музлатилган карп	кг	00303001007000000
38	Музлатилган осётр	кг	00303001009000000
39	Музлатилган балиқлар	кг	00303001999000000

\*) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ушбу каталогга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга. Кенгайтирилган каталог Солиқ қўмитаси томонидан (позициялар, субпозициялар, атрибутлар ва брендлар кўрсатилган ҳолда) юритилади.

\*\*\*) Асосий ўлчов бирликлари турлари тегишли синфдаги асосий бирликлар асосида белгиланди. Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси томонидан позициялар ва субпозицияларга киритиладиган товарларни эътиборга олиб ўлчов бирликлари ўзгартирилиши мумкин”;

б) 4а-илованинг “Етиштириладиган маҳсулот” ва “Реализация қилинган маҳсулот” устунлари “маҳсулот” сўзидан кейин “Прогноз” сўзи билан тўлдирилсин;

в) 4б-илованинг “Етиштириладиган маҳсулот (кг)” ва “Реализация қилинган маҳсулот (кг)” устунлари “маҳсулот (кг)” сўзларидан кейин “Прогноз” сўзи билан тўлдирилсин.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “10” апрелдаги 148-сон қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб  
ҳисобланаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 29 октябрдаги 884-сон қарорига илованинг 38-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сон қарорига илованинг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги 841-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 156-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 12 майдаги 281-сон қарорининг 3-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарорига 4-илованинг 4-банди.

